

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилди”
“Иқтисодиёт” кафедраси мудири

_____ Ш.А.Султонов
“Иқтисодиёт” кафедраси мажлиси
баённомаси № ____ 2020 йил “____”

—
“Иқтисодиёт”таълим йўналиши
МИ-118 гурӯҳ магистранти Бахридирова Диёра Фарходовнанинг
**“Қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини
яхшилаш ва бандлигини таъминлаш йўллари
(Самарқанд вилояти мисолида)”**

**МАВЗУСИДАГИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: и.ф.н.,
доцент Г.М. Хусанова

САМАРҚАНД – 2020

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
I-боб.	Аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ назарий тушунчалар моҳияти	6
1.1.	Аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлиги билан боғлиқ назарий тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни	6
1.2	Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар	19
1.3	Ўзбекистонда аҳоли бандлигини ва фаровонлигини оширишнинг назарий истиқболлари	26
II-боб.	Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иктисодий тавсифи ва аҳоли фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили	32
2.1	Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иктисодий тавсифи	32
2.2	Самарқанд вилояти қишлоқ жойлари аҳоли бандлигининг кўрсаткичлар таҳлили.	40
2.3	Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мезонлари ва кўрсаткичлари	46
III-боб.	Самарқанд вилоятида аҳоли фаровонлиги ва бандлигини ошириш йўллари	52
3.1	Қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва фаровонлигига таъсир этувчи омиллар	52
3.2.	Қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини ошириш йўллари	61
	Хулоса ва таклифлар	66
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг туб мақсади – инсонларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишдан иборатdir.

Табиийки, бундай мақсадга эришиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари барпо этилади ва аҳоли бандлиги таъминланади.

2019 йилда **иктисодиёт соҳасида** замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислоҳатларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни қўйдик.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарорни имзолади. 2019 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш обьектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 370 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди¹.

Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур”².

¹ <https://qalampir.uz/news/2019-yilda-370-mingdan-ortik-yangi-ish-urinlari-yaratiladi-prezident-k-arori-1236>

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 8-11 бетлар.

Аҳоли бандлиги – кишиларнинг даромадини ҳосил қилувчи омилдир. Мамлакатимизда шаклланиб бораётган аралаш иқтисодиётга хос бўлган жиҳат – бу камбағаллар сони ва салмоғини қисқартириб боришидир.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўсиши аҳолининг меҳнатдан топадиган даромадининг ошиб боришига хизмат қиласди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятининг социал (ижтимоий) самараси – инсонлар фаровонлигидаги, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Иш ўринларига эга инсонлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топадилар, қобилият ва истеъоддларини юзага чиқара оладилар.

Аралаш иқтисодиёт шароитида иш билан бандликнинг тавсифи кишиларнинг мулкий мақомига боғлиқ бўлади, мулкдорлар, яъни капитал эгалари тадбиркорлик билан банд бўлсалар, меҳнат аҳли ёлланиб ишлайди. Ёлланиб ишлаётган инсонлар ишлаб чиқариш воситаларига эга эмаслиги сабабли, ўз жисмоний ҳамда ақлий қувватларини сотишади. Демак, ҳозирги замон иқтисодий муносабатларда инсонларнинг жисмоний ҳамда ақлий қувватлари товар шаклида бўлади. Улар меҳнат бозорида олди-сотди обьекти ҳисобланади.

Инсонларнинг иш билан бандлик даражасини меҳнат бозоридаги талаб белгилайди. Бироқ бу бозордаги муносабатлар давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида ишчи кучига талаб билан таклиф ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, ишчи кучининг баҳоси, меҳнат шароити, ишчи (ходим)нинг у ёки бу ижтимоий муаммоларини ҳал қилиши, ижтимоий-меҳнат низоларини тартибга солиш хусусида иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш кабилар долзарб масалалар сирасига киради.

Диссертация ишининг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли фарвонлиги ва иш билан таъминлашга оид муаммоларни ўрганиш ва ечимини топиш масалари барча жамиятларда тадқиқот обьекти бўлиб келган.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлигини ошириш муаммоларига тааллуқли тадқиқотлар К.Х. Абдурахманов, Х.П.Абулқосимов, Н.Қ.Зокирова, Ш.Р.Холмўминов, К.З. Хомитов, И.Иватов, А.Е.Ишмухамедов ва бошқаларнинг илмий-ўқув ва услубий ишларида ўз аксини топган.

Диссертация ишининг мақсади – Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш масалалари бўйича айрим тавсиялар бериш.

Диссертация ишининг вазифалари. Ишнинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

- аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ назарий тушунчаларнинг моҳияти ва мазмuni ёритиш;
- аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан танишиш;
- вилоятда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил этиш;
- вилоятда аҳоли фаровонлиги ва бандлигини оширишдаги муаммоларни ўрганиш;
- вилоятда аҳоли фаровонлиги ва бандлигини ошириш йўллари бўйича айрим тавсияларни бериш.

Диссертация ишининг объекти – Аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишга қаратилган кўрсатгичлар тизимидан иборат.

Диссертация ишнинг тузилиши ва ҳажми. Иш, Зта боб, 8 параграф, 13 та жадвал, 3 та расм, хulosалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

I-боб. Аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ назарий тушунчалар моҳияти

1.1.Аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлиги билан боғлиқ назарий тушунчаларнинг моҳияти ва мазмуни

Аҳоли фаровонлигини ошириб бориш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. Аҳоли фаровонлиги давлат ижтимоий-иктисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фаровон атамасига – мўл, жуда кўп, ортиқ, зиёда. Ҳар жиҳатдан тўла-тўқис таъминланган, ҳамма нарсаси мўл-кўл³ каби изоҳли таъриф берилган. Жумладан, А.Ўлмасов ва А.Вахабовлар: “Фаровонлик – бу кишилар истеъмол этадиган ҳаётй неъматлар миқдори ва сифати, ҳаёт кечириш умумий шарт – шароитининг қандайлигини билдиради”⁴ деб, ўқтиради. Умуман олганда, фаровонлик деганда, аҳолининг яшави учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларнинг мавжудлиги ҳамда у билан боғлиқ бўлган тадбирлан мажмуи тушунилади.

“Аҳоли фаровонлиги” тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир. Аҳоли фаровонлиги деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади.

Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодалаш учун “турмуш даражаси”, “ҳалқ фаровонлиги” ва бошқа шу каби турли хил тушунчалар кўлланилади. Ўзбекистонда аҳолини моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини қондирилиш даражасини ифодалайдиган “турмуш даражаси” атамаси кенгроқ кўлланилади. Аҳоли фаровонлиги ёки унинг турмуш даражаси аҳоли эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига, илмий-техник тараққиётга, аҳолининг маънавий

³ http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf

⁴ Ўлмасов А, Вахабов А.Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Шарқ 2006 – 432 бет.

маърифий савиясига ва бошқа шу каби омилларга боғлиқдир. Аҳолининг фаровонлиги бир томондан, аҳолининг мунтазам ўзгариб турадиган турли неъматларга бўлган эҳтиёжларининг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, у эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Бироқ иш ҳақи миқдори ҳам, фаровонлик даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўлами, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси, миллий хусусиятлари ва сиёсий ҳокимиятга боғлиқ.

Шунингдек, аҳолининг фаровонлик даражасини тавсифловчи бошқа атамалар ва тушунчалар мавжуд. Аҳоли фаровонлиги даражасининг энг муфассал талқини қуидагича: аҳоли фаровонлиги – бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи умумий ижтимоий – иқтисодий категориядир. Бундай талқин аҳоли фаровонлиги даражасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини янада тўлиқроқ ифодалашга имкон яратади.

Аҳоли фаровонлиги концепцияси тамойиллар ва кўрсаткичлар тизимиға асосланувчи, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга қаратилган ғояни ифодалайди. Аҳоли фаровонлиги даражасининг концепцияси кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва йўналишлари, босқичларини белгилаб беради. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоийиқтисодий шароитларга жавоб берадиган аҳоли фаровонлиги даражаси концепциясини яратишга зарурат туғилди.

Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган “турмуш сифати” концепциясининг айрим қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Тарихан ушбу концепция аҳоли ҳаёт фаолиятининг иқтисодий параметрларини акс эттирувчи “глобал иш билан бандлик”, “турмуш даражаси” каби концепцияларнинг ривожланиши асосида

юзага келган. Бу концепция инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифатини баҳоловчи объектив омиллар, яъни овқатланиш, уй – жой, иш билан бандлик, таълим даражаси ҳақида эмас, балки аҳоли томонидан ўзининг фаровонлиги, баҳт, қониқиши, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам боради. Масалан, саломатлиги ва соғлиги даражаси, оиласавий муносабатлари, иши, моддий аҳволи, яратувчанлик қобилияти ва бошқа шу кабилардан қониқиши ҳосил қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб, турмуш сифати концепцияси инсоннинг атрофмухит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва мавжуд имкониятларни кутилган имкониятларга мослиги даражасини характерлайди Фаровонлик даражаси аҳоли ҳаёт фаолиятининг маълум бир қирраси тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичлар тизими билан белгиланади.

Аҳолининг фаровонлик даражаси тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжлари, истеъмол даражаси ва таркиби, уйжой, мол-мулк, маданий-маиший буюмлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланганлик даражасини чуқур ўрганиш лозим. Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар турли туман бўлиб, турмуш даражаси концепцияси билан узвий боғлиқ. Айрим муҳим кўрсаткичлар ва уларнинг индикаторларини қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (жадвал 1.1.1).

Юртимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда 2017 – 2021 йилларда ПФ-4947 сон фармони билан қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да Президентимиз томонидан белгилаб

1.1.1-жадвал

Аҳоли фаровонлиги даражаси кўрсаткичлари ва индикаторлари

Фаровонлик даражаси кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар индикаторлари
1. Асосий жисмоний эҳтиёжлар қондирилиши	
1. Саломатлик	1.1.Ҳар 1000 ёки 100 минг аҳоли ҳисобига жами ўлим 1.2. Ҳар 1000 тугилган бола ҳисобига бир ёшгача ўлган болалар сони 1.3. қутилаётган умр давомийлиги 1.4. Касаллик натижасида меҳнат қобилиягининг йўқотилиши
2. Овқат-иш	2.1.Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва ҳоказолар 3.1. Туарар-жойларда уйларнинг умумий майдонини ишга тушириш 3.2.Туарар-жойларнинг умумий майдони 3.3. Туарар-жой фондини ободонлаштириш 3.4.Хонадонлар ўртacha катталиги
4.Уйлардаги мол-мулклар	4.1. Аҳолининг моддий-маиший ва хўжалик буюмлари билан таъминланганлиги 4.2. Аҳолига маданий-маиший буюмлар сотиши ва ҳоказолар
5.Пулли хизматлар	5.1. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 5.2. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш таркиби 5.3 Майший хизматлар ҳажми ва ҳоказолар
6.Аҳолининг маданий даражаси	6.1. Аҳолининг саводхонлик даражаси 6.2.Нашр этилаётган китоб ва рисолалар ҳажми 6.3. Чиқарилаётган журналлар ва бошқа даврий нашрлар ҳажми 6.4.Аҳолининг телевизорлар билан таъминланганлиги ва ҳоказолар
7.Меҳнат шароитлари	7.1. Саноатда иш вақти йўқотишлари 7.2. Ходимларнинг меҳнат шароитини ўзгартириш 7.3.Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва ҳоказолар
8. Дам олиш	8.1.Ёзги оромгоҳларда дам олган болалар сони ва ҳоказолар
9.Ижтимоий таъминот	9.1.Пенсиялар ва ўртacha иш ҳақи ва унинг энг кам миқдорлари бўйича нисбат 9.2. Болаларга бериладиган нафақаларнинг ўртacha миқдорлари ва уларнинг ҳаёт кечиришга лойик минимум нисбати 9.3. Пенсиялар миқдори ва ҳаёт кечириш минимуми нисбати ва хк.
10.Ижтимоий- маиший вазият.	10.1.Ишсиzlарнинг умумий сони 10.2.Бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва шикастланишлар, қотилликлар ва ҳоказолар оқибатидаги ўлим 10.3. Рўйхатга олинган жиноятлар сони 10.4 Ифлосланган оқар сувларни чиқариб ташланиш ҳажми 10.5. Ҳавога заҳарли моддалар чиқариб ташланиши ва ҳоказолар
11.Даромадлар васарф ҳаражатлар	11.1. Аҳолининг пул даромадлари, шу жумладан уларнинг турлари бўйича 11.2. Аҳолининг пул сарф-ҳаражатлари, шу жумладан уларнинг турлари бўйича 11.3. Иш билан банд бўлган ходимларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи, шу жумладан, тармоқлар, минртақалар ва касблар бўйича табақаланиши 11.4. Аҳолининг омонатлардаги жамғармалари ва унинг қўпайиши ва ҳоказолар.

Манба: Муаллифнинг илмий изланишлари натижасида тузилган.

берилган устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар асосида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиласиган стратегик мақсадлар белгиланган.

Дунё мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги турли атамалар ва тушунчаларда ифодаланади. Масалан, Ўзбекистонда ахолининг моддий, маънавий ҳамда ижтимоий эҳтиёжлари қондирилиш даражасини ифодалайдиган “турмуш даражаси” атамаси кенг маънода қўлланилади. Бундай тавсиф қўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди ва бу кўплаб омиллар йиғиндиси таъсирида бўлган ўзгарувчан жараёндир.

Турмуш даражаси – бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий еҳтиёжларнинг ривожланиши, шунингдек, уларни қондириш учун яратилган имкониятларни акс еттирувчи комплекс ижтимоий-иктисодий мезондир. “Турмуш даражаси” тушунчаси ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар тизимини ривожлантиришда БМТнинг хиссаси катта. 1960 йилда БМТ ишчи гурухи томонидан глобал миқёсда турмуш даражасини аниқлаш ва баҳолаш тамойиллари тўғрисида ҳисбот тайёрланган ва бу турмуш даражасининг кенг қамровли тизимини яратиш йўлидаги биринчи уриниш бўлган. БМТ мутахассислари олиб борган тадқиқотлардан ташқари, айрим олимлар томонидан ҳам аҳоли турмуш даражасини аниқлаш ва баҳолаш бўйича аниқ тизимларни ишлаб чиқиши юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилган.

Бу соҳа бўйича тадқиқотлар даставвал инглиз олими У.Петти (1623-1687) ишларида пайдо бўла бошлаган. Шунингдек, Ф.Кене (1694-1774) аҳоли турмуш даражасини оширишнинг ҳақиқий манбаларини баҳолашга ҳаракат қиласиган. А.Смит (1723-1790) ишловчилар орасида қашшоқлик тарқалишидан хавотирга тушиб, аҳоли фаровонлигини ошириш истаги табиий ҳол эканлигини таъкидлаган. Ж.М.Кейнс (1883-1946) ва А.Маршалл (1842-1924)⁵ турмуш даражасини яхшилаш учун қулай молиявий шарт-шароитларни

⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с анг, Майбурада Е.М. М.: 1993, -152 с.; Сей Ж.Б. Тракт по политической экономии. М.: Дело, 2000.; Маршалл А. Принципы экономической науки / Пер. с анг. -М., 1993. Т.1, -311 с.; Шумпетер Й, Теория экономического развития / Пер. с нем. Автономова В.С. идр. -М., 1982; Кейнс Ж.М.. Обшая теория занятости процентов и денег. Пер, с анг,-М., 1978,- 576 с.

шакллантириш назарияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ғарб олимларининг турмуш даражасини баҳолашдаги қарашларида сиёсий-иктисодий жиҳатдан иқтисодий-статистик нуқтаи назарга томон силжиш кузатила бошланган. Бу пайтда тадқиқотчилар, асосан, ишловчиларнинг реал турмуш даражаси ва ҳақиқий истеъмоли бўйича таҳлилий ишларни олиб боришган.

Кейинчалик эса турмуш даражасини ўрганишда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини уйғунлаштириш, улар ўртасидаги ҳар хил қарама-қаршиликларни юмшатиш, асосиз даромадлар бўйича табақаланишга чек қўйиш ва қашшоқликни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ғарб олимларининг бу борадаги муваффақияти уларнинг турмуш даражаси ўртача параметрларини баҳолашда дифференсиал ёндашувни қўллаганликларидадир. Бу эса аҳолининг айрим қатламлари эҳтиёжларини қондириш жараёнида иқтисодий имкониятларни тўғри тақсимлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда БМТ томонидан дунё аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва камбағаллиқдан азият чекаётган мамлакатларга кўмаклашиш билан боғлиқ масалалар ҳал қилинмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 ва 2015 йилда қабул қилинган “Минг йиллик тараққиёт” дастури ҳамда “2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари” дастури бевосита дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, экология бузилишининг олдини олган ҳолда аҳолининг саломатлигини асрашга қаратилган муҳим ишлар сирасига киради. Эҳтиёжларни қондириш даражасига кўра, турмуш даражасини 4 гурухга бўлиш мумкин:

- тўқ турмуш даражаси – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиш;

•нормал даражаси – инсоннинг жисмоний ва ақлий қуч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона фойдаланиш;

•камбағаллик –меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;

•қашшоқлик –фойдаланилиши инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятинигина берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш. Аҳоли турмуш даражасини барчамиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори ва истеъмол ҳажми миқдорининг ортиши ёки камайиши билан баҳолашга одатланганмиз.

Аҳоли турмуш даражаси унинг сифат қўрсаткичлари каби анча кенг тушунча ҳисобланади. Ҳозирда турмуш даражаси концепцияларини аҳолининг турмуш даражаси сифатини ҳар томонлама характерлаб берадиган ягона қўрсаткичга келтириш бўйича самарали усул мавжуд эмас. БМТнинг халқаро статистика соҳасидаги аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси қўрсаткичлари тизимининг охирги таҳрири 1978 йилда ишлаб чиқилган ва ушбу тизим 12 та асосий қўрсаткич гурухини ўз ичига олади.

Жамият ривожланишининг аҳоли фаровонлигига ва турмуш даражасига энг юқори таъсир ўтказадиган муҳим қўрсаткичларидан бири – аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳисобланади. Иш билан бандлик – инсонларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларидир.

Иш билан бандлик – макроиқтисодий категория ҳисобланади. У жамият ҳолатининг ижтимоий ва иқтисодий индикаторларини ўзида акс эттиради: умуммиллий миқёсда бандлик, таълим олиш, ҳарбий хизмат, уй хўжалигини юритиш, болалар ва қарияларни парвариш қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг меҳнат фаолиятини бирга олиб бориши ва ҳоказо.

Иш билан бандлик – бу инсонларга даромад келтирувчи ижтимоий фойдали фаолиятдир. Жамиятда фойдали меҳнат билан банд аҳоли қанчалик кўп бўлса, унга мос равишда ишсизлар камаяди ҳамда турмуш даражаси ва фаровонлиги ошади.

Иш билан банд инсонлар – ёлланма ёки шартнома (контракт) бўйича ишловчилар, ўзини қонунийлаштирилган фаолият (тадбиркорликлар, фермерлар) билан мустақил равишда таъминлай олувчи шахс ҳамда ҳарбий хизматчилардир.

Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади. Иш билан бандлик – кишиларнинг қонун хужжатларига зид келмайдиган ҳамда уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришига етарли бўлган иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида аҳолини тўлиқроқ иш билан таъминлаш сиёсатини олиб бормоқда. Бунинг учун муҳим меъёрий-хукуқий база, хусусан, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ва “Аҳолининг пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунлар, Меҳнат кодекси ҳамда давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва унинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бошқа хужжатлар қабул қилинган.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни З та муҳим масаланинг ҳал этилишига ёрдам берди:

- биринчидан, аҳолини тўлиқ бандлигини таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини якунлади, яъни меҳнат фаолиятида фуқароларнинг мажбурий иштироки талаблари бартараф этилди;
- иккинчидан, бандлик хизматини ташкил этиш кўзда тутилди ҳамда унинг вазифаларини белгилаб берилди;
- учинчидан, ишсизлик бўйича нафақа пулларини молиялаштириш мақсадида “Бандлик жамғармаси” яратилди.

“Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга ишиёки бор кишиларни ишга жойлашиб фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир”⁶.

Аҳолининг иш билан банд бўлган қисмига қуидагилар киради:

- пул эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъи назар, фойда ёки оиласвий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат иш бажаргандар;
- қасаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш қунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлар;
- маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақланиб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмагандар;
- оиласвий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслар.

“Иш билан таъминлаш одамларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир”⁷. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҳаракатлар Стратегиясининг 3.2. бандида “... иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”**⁸ вазифаси белгиланган. Ушбу мақсадга эса меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали эришилади. Шу боис миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолият

⁶ Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014, 236 бет.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 1 май 616-І-сон.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи, 08.02.2017 й. №28 (6722). <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document/table/3>

кўрсататётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан қишлоқ жойларда аҳоли фаровонлиги ва бандлигини оширишда ҳам ўрни долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ аҳолининг иш билан банд бўлган қисмига қўйидагилар киради:

- ёлланиб ишлайдиган, шу жумладан ҳақ эвазига тўла ёки тўла бўлмаган иш кунида (хафтасида) иш бажарадиган, шунингдек шартнома (контракт, битим) билан тасдиқланган ҳақ тўланадиган ишга эга бўлган, лекин бетоблиги, отпуска, ишлаб чиқаришнинг вақтинча тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан вақтинча ишда бўлмаган фуқаролар;
- ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролари, шу жумладан тадбиркорлар, ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган, тайинланган ёки тасдиқланган фуқаролар;
- Қуролли Кучларда, ички қўшинлар ва темир йўл қўшинларида, давлат хавфсизлик ва ички ишлар органларида хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ноҳарбий (муқобил) хизматни ўтаётганлар;
- халқаро ҳамда чет эл ташкилотларида ишловчи фуқаролар;
- шахсий томорқа хўжалигида ва деҳқон (фермер) хўжалигида ишлаб, маҳсулотини жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари ва матлубот кооперацияси ташкилотларига топширувчи ҳамда бозорда сотувчи фуқаролар;
- ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта маҳсус ҳарбий ва олий ўқув юртларида, аспирантура, ординатура ва докторантурада таълим олаётган фуқаролар;

- ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга ошираётган жамоат ташкилотлари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролари иш билан таъминланган аҳоли.

Шунингдек, бошқа давлатларнинг республика ҳудудида вақтинча туриб, дипломатик ваколатхоналар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажарувчи фуқаролари ҳам иш билан таъминланган аҳоли жумласига киради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолига икки гурӯҳ фуқаролар киради:

- кўнгилли равишда иш билан банд бўлмаган, эр-хотиндан бирининг, ота-онаси ва бошқаларнинг маблағлари хисобига яшайдиган фуқаролар;
- ноилождан иш билан банд бўлмаган инсонлар: мустақил равишда иш қидираётганлар, иш билан банд этиш хизмати ёрдамида иш қидираётганлар; расмий мақомга эга бўлган ишсизлик юзасидан нафақа оладиган ишсиз фуқаролар.

2019 йилнинг декабрь ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан юртимизнинг 485 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжалиги ва 25,8 минг нафар фуқаро қамраб олинган ижтимоий сўровнома ўтказилди. Бунда 108 та шаҳар ва туман аҳолиси иштирок этди.

Тадқиқот натижаларига кўра, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0 фоизни ташкил этган, бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3 фоизга пасайланлигини кўрсатади. Ишлаш истагидаги бўлганларнинг умумий сони 1335,3 мингни ташкил этади, бундан 15 фоизи 16–30 ёшдагилар, 12,8 фоизи аёллар улушига тўғри келади.

2019 йилда меҳнат ресурслари сони 19007,8 минг кишига етди, бу 2018 йилга нисбатан 100,9 фоизни ташкил этади. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13541,1 минг кишини ташкил қилди (ўтган йилга нисбатан 102 фоиз). 2019 йилда илк бор расмий секторда банд

аҳоли сони 2018 йилга нисбатан 3,7 фоизга қўпайиб, 5712,1 кишини ташкил қилди. Норасмий секторда банд бўлганлар сони (мехнат мигрантлари ҳисобга олмаганда) 5368,3 минг кишини ташкил этди. Иш ўринларини легаллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажарувчилар 19,6 мингга, рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатномасиз фаолият қўрсатаётган тадбиркорлар 42,8 мингга камайган. 2019 йилда иқтисодий нофаол аҳоли сонининг камайиши кузатилди. Жумладан, ишлашни хоҳламаётганлар ёки дарҳол ишга жойлашишга имконияти йўқлар 73,9 минга ёки 9,6 фоизга камайган, бу эса аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги ортганлигини билдиради.

Ўрганишлар натижаси шуни қўрсатдики, мамлакатимиздан ташқарига ишга кетганлар сони 2460,2 минг кишини ташкил этган, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,2 фоизга тенг. 2019 йилда туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларига 773452 фуқаро иш топишга ёрдам сўраб мурожаат қилган (улар орасида 30 ёшгача бўлганлар сони 218025 нафарни ташкил этган). Мурожаатчиларнинг 356897 нафари иш билан таъминланди, 263,230 киши жамоат ишларига, 36750 нафар фуқаро касбга ўқитишига жалб қилинди. 57,874 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Бандликка қўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан ишга олган ишсиз фуқароларнинг касбий малакасини ошираётган иш берувчиларга, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсизларга, шахсий томорқаларини ривожлантираётган фуқароларга, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга олган корхоналарга 12,2 млрд сўм миқдорда беғараз ёрдам (субсидиялар) ажратилди, натижада 12,9 минг нафар ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди. 39,1 мингдан ортиқ ўз-ўзини банд қилиб, уй шароитида ишлаётган фуқароларга (беморлар ва кексаларга қараб туриш, уй ишларини бажариш, мебель таъмирлаш, сантехника ва электромонтаж ишлари, автомобилларни таъмирлаш ва ювиш, репетиторлик қилиш ва ҳоказо фаолият турлари

бўйича) меҳнат стажини ҳисоблаш ва пенсия олиш хуқуқини бераётган вақтингчалик меҳнат гувоҳномалари берилди⁹.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қайд этилганидек ишсизлар: 16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиш хуқуқини олишгacha бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган, меҳнат қилишга, касб-кор тайёргарлиги ва қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр шахс сифатида иш билан таъминлаш давлат хизматларида рўйхатга олинган ва шу хизматлар мақбул келадиган ишни таклиф қилмаган, лекин меҳнатга лаёқатли шахслардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида аҳолининг иш бидан бандлигининг асосий тамойиллари ифодалаб берилган. Бу тамойиллар ҳозирги замон бозор муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқади. Уларнинг асосийларини қўйидагича тавсифлаш мумкин:

Биринчи тамойил фуқароларнинг унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилияtlаридан фойдаланишдан иборат фавқулодда хуқуқидир. Меҳнат қилишга мажбур этишга йўл қўйилмайди. Фақат қонунда алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш учун муайян қадам қўйилган бўлиб, бу қадриятлар орасида энг муҳими меҳнатнинг ихтиёрийлигидир. Эндиликда ижтимоий меҳнатда иштирок этиш керак ёки керак эмаслигини танлашдан иборат устувор хуқуқ инсоннинг ўзига тегишлидир.

Меҳнат қилиш ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг – ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби teng ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда.

Инсоннинг меҳнатга бўлган қобилиятидан фойдаланишдан иборат фавқулодда хуқуқ тамойили инсоннинг ўзига маъқул бўлган жойда ўзи ҳоҳлаган вақт мобайнида ишлаш хуқуқини назарда тутади. Ҳар ким ўзи учун

⁹ <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>

кўлай вақт ва иш билан бандлик усулинин мустақил танлаши мумкин. Жинси, ёши, миллати ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ҳаммага доимий, қисман, вақтинча, ахён-ахёнда бўладиган иш билан бандлик, ўриндошлиқ билан ишлаш иш вақтини ташкил этишининг мослашувчан графикларига хосдир. Касб танлашдаги ҳуқуқнинг чекланмаганлиги ва иқтисодиёт соҳаларидан бирида меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам муҳим ҳисобланади.

Жамият барчага ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун тенг ҳуқуқий шарт-шароит яратиб бериши лозим.

Иккинчи тамойили – фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун давлатнинг шарт-шароитлар яратиб бериши кераклиги ойдин бўлади. Иш билан бандлик сиёсатига уни қаттиқ тартибга солищдан воз кечиш, ижтимоий соҳада меҳнат қилишнинг мажбурий эмаслиги, ижтимоий фойдали меҳнат қилишнинг ҳар қандай соҳасини танлаш эркинлиги ва ихтиёрийлиги орқали инсон манфаатлари ва эҳтиёжларининг намоён бўлишига ёрдам бериш асос қилиб олинган.

Давлатнинг иш билан бандликка бевосита таъсир кўрсатиш чоралари рағбатлантирувчи тадбирларининг устуворлигига асосланади. Бу ўринда меҳнаткашларнинг тадбиркорлар ва ҳудудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда эркинликларини бузадиган воситалар бўлмаслиги шарт.

Иш билан бандликда кўмаклашиш тамойили бир қанча жиҳатларга эгадир. Иш билан бандликка таъсир кўрсатишнинг ўзини очиб бериш асосида уни (бандликни) исталган йўналишда шакллантириш жараёнини бевосита тўғри йўлга солиш ётади. Иш билан бандликка кўмаклашиш тамойили ижтимоий меҳнат муносабатлари субъектларининг тараққиёт йўналишларини ишлаб чиқишида ва уни тартибга солишида фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этишларидан ҳам иборатдир. Бу субъектлар ёлланма ходимлар, иш берувчилар бўлиб улар касаба уюшмаларига, ассоциациялар ва иттифоқларги бирлашганлар.

Меҳнат – инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англатганлиги, куч-куvvват сарфланиши, натижадорлик,

ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Мехнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашиниб турди. Мехнат – ишчи кучини ишлаб чиқишида ишлатиш жараёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли ўлароқ, иш билан бандликни одамларининг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак.

1.2. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар

Юқорида айтиб ўтганимиздек 2015 йилда БМТнинг 70-Ассамблеясида 2030 йилгacha “Барқарор ривожланиш”нинг 17 мақсадлари қабул қилинди. Ушбу мақсадларнинг биринчиси – “Камбағалликни йўқотиш (No Poverty)” деб номланган бўлиб, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида дунё мамлакатларини “Камбағаллик” омилига қарши оммавий курашга чақирган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгacha бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор иловасининг 1-бандида “1-мақсад: Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш” деб номланган. Ушбу банднинг вазифалари сифатида белгиланган 7-йўналишда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга ва гендер тенглигини таъминлаш ҳамда микрокредитлаш амалиётларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Фикримизча, ушбу қарорда келтирилган вазифаларнинг бирор йўналишида таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган, айниқса олий

таълим билан қамраб олиш даражасини кенгайтириш бўйича устуворликлар келтирилмаган. Бу эса, аҳоли фаровонлигини оширишда устуворлик касб этадиган илмий қараш ва жаҳон олимлари томонидан асосланган илмий хулосаларни инобатга олинмаганлигини англатади. Сабаби, аҳоли фаровонлигига юқори таъсир ўтказиши мумкин бўлган даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи кам сонли омилларнинг асосийси – бу таълим эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Энди тадқиқотимизда эътиборни аҳоли фаровонлигига салбий таъсир ўтказаётган 2020 йилдаги пандемия натижасидаги иқтисодий харакатсизлик ва инқирози даврида жаҳон иқтисодиёти мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга қаратамиз.

2020 йил жаҳон иқтисодиётида яна бир глобал инқироз юз берган воқеилик сифатида тарихга кирди. Ушбу инқирознинг асосий жиҳати харакатсизликдир. Ушбу омилнинг юзага келиши аҳолининг, айниқса кам даромадли қатламнинг эҳтиёжларини қондиришда муаммоларни жадаллаштириб бу эса аҳоли фаровонлигига юқори таъсир ўтказди.

Ушбу иқтисодий мураккаблик шароитида ялпи талабнинг пасайиб кетиши инсонларнинг истеъмол харажатлари эмас, балки жамғарма ҳажмлари билан бевосита боғлиқлигини ҳам инобатга олиш заруратини кўрсатиб берди. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсонлар фаровонлигини ошириш учун даромадларининг барча босқичларини мустаҳкамлаш долзарб эканлигига ўз ифодасини топди.

Жумладан, Ўзбекистондаги ахборот порталлари Кун.уз ва Газета.уз тармоқлари орқали амалга оширилган сўровномалар натижалари ҳам мамлакатимизда аҳоли даромадларида жамғармаларнинг юқори эмаслигини кўрсатиб берди.

Газета.уз 2020 йил 2 апрелда ўтказган сўровномада 337000 дан ортиқ аҳоли қатнашган бўлиб, уларнинг 36 фоизи “жамғармам йўқ”, 28 фоизи “1-2 хафтагача етади” деб жавоб берган. Шунингдек, 3-6 ойга етади, деб жавоб берган аҳоли 4 фоиз атрофида бўлган. Шу билан бирга, Кун.уз портали орқали

2020 йил 14 апрел куни амалга оширилган сўровномада 576000 дан ортиқ одам иштирок этган. Эътиборли жиҳати, ундаги натижалар ҳам бошқа портал орқали ўтказилган сўровномадаги натижалар кескин фарқ қилмаган. Хусусан, иштирокчиларнинг 35 фоизи “жамғармам йўқ”, 7 фоизи эса 3 ойгача жамғармалар етади, деб жавоб берган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ё қисми 10 фоиз¹⁰ аҳоли қўлида тўпланганлиги ҳам даромадлар тенглигини таъминлашнинг заруратини келтириб чиқаради.

Фикримизча, аҳоли асосий қатламишининг даромадлари вақтинчалик узилишга учраган даврда жамғарма категорияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу эса, давлатнинг зиммасига катта молиявий юкни келтириб чиқариш мумкин. Ўз навбатида, бюджетдан аҳолининг истеъмолини таъминлашни амалга ошириш бюджет дефицитини ошириши мумкин.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон аҳоли даромадларининг таркиби¹¹

№ т/р	Курсаткичлар номи	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
I	Умумий даромадлар, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>							
	Бирламчи даромадлар	73.0	75.6	83.1	84.0	79.1	76.1
<i>шундан:</i>							
1	Ишлаб чиқариш- дан олинган даро- мадлар	70.3	73.2	80.8	80.9	75.8	73.0
2	Мол-мулқдан олинган даро- мадлар	2.8	2.4	2.3	3.1	3.4	3.1
II	Трансфертлардан даромадлар	27.0	24.4	16.9	16.0	20.9	23.9

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.
http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%20OD_income_by_deciles_uzb.pdf

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тузди.

Аҳоли даромадларининг қисми трансферларга тўғри келаётганлигини кўриш мумкин (1.2.1-жадвалга қаранг). Бундан эса, ўзбекистонликларнинг даромадлари таркибида мигрантлар даромадига боғлиқлик сезиларли аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, мазкур ҳолат хорижий давлатлардаги иқтисодий ҳолатга боғлиқликни оширишини кўрсатади. Пандемиянинг жаҳоннинг барча мамлакатларига тарқаганини инобатга олсак, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари даромадининг пасайиши биздаги даромадларнинг пасайишига таъсир қилиши табиий. (1.2.1-жадвал)га эътибор берсак, мол-мулқдан олинадиган даромаднинг улуши 3 фоиз атрофида бўлмоқда. Ушбу ҳолатнинг ҳам мавжудлиги даромадларнинг диверсификация қилинмаганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, пандемия шароитида даромадларнинг пасайиши аҳоли фаровонлигига юқори таъсир ўтказган бўлиб, жамғармаларнинг узоқ муддатга етмаслик эҳтимоли давлат томонидан қўшимча маблағларни сафарбар этишни тақозо этади. Бу эса, бюджет даромадлари қисқарган шароитда қарз маблағларини жалб этишга заруратни келтириб чиқаради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра, ҳукумат томонидан халқаро молия институтларидан 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ташқи қарз жалб этилиши белгилаб берилди.

Агар 5 млн. киши атрофидаги камбағал қатлам мавжудлигини инобатга олсак, уларнинг ҳар бирининг оиласига ўртача (5 киши деб тасавур қилсак) 100 АҚШ долларидан тақдим этилганда 100 млн. АҚШ доллари керак бўлади. Бу эса, киши бошига 20 АҚШ доларидан бўлса, яна 10 кунлик истеъмолни таъминлаши мумкин бўлади (агар 1,9 долларга нисбатан олсак).

Қайд этиш лозим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232 сонли қарори билан бюджет харажатларининг 6 трлн. сўм маблағ мақбуллаштирилиши назарда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда киши бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми ўртacha 1500 АҚШ доллари атрофида эканлигини ҳисобга олсак, бу кунига ўртacha (1500/365 кун) 4,1 АҚШ долларига teng бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 2020 йилда ЯИМнинг ўсиши ХВФ томонидан 1,6 фоиз бўлишини прогноз қилди. Мазкур рақамларнинг таҳлили кўрсатадики, мамлакатимизда Жини коэффициентининг барқарор эмаслигини юзага чиқариши мумкин.

Мамлакатимизда ахоли фаровонлиги учун кам даромадли оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, арzon кредитлар тақдим этиш, якка тадбиркорликни ривожлантириш каби чора-тадбирлар шулар жумласига киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сонли қарори қабул қилинган. Ваҳоланки, ушбу хужжат доирасида моддий ёрдамнинг ҳажми катта бўлмаган ёки муддати қисқа бўлган. Умуман олганда, мазкур моддий ёрдам жорий истеъмолни таъминлаган бўлиб, қўшимча қиймат яратилишига шароитни яратмаган. Бошқача айтганда, тор доираги ялпи талаб давлат томонидан рағбатлантириб турилган. Мазкур турдаги нафақаларни олувчилар 595000тани ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида ахоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5978-сонли фармони билан амалдаги тўловлар сақлаб қолинди ва уни молиялаштириш Инқирозга қарши чоралар жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган муҳим сабаблар сифатида қуидагиларни келтириш мумкин, деб ўйлаймиз:

1. Ижтимоий соҳанинг нобарқарлашувига олиб келган жиҳатлар:
 - Соғлиқни сақлаш тизимида давлат харажатларининг етарли эмаслиги, айниқса бирламчи тиббий хизматлар тақдим этишда;
 - Мактабгача таълим билан қамраб олиш миқёсининг пастлиги;
 - Мактаб таълимида мактаб биноларнинг “резина”каби фойдаланилиши базавий таълимнинг натижавийлигини тушириб юборди;
 - Олий таълимнинг қамрови 10 фоизга етмаслиги катта улушга эга бўлган ёшларнинг инсон капитали даражасини пасайтириди;
 - Илмий тадқиқотларга ажратилган маблағлар ЯИМга нисбатан 0,25 фоиз атрофида бўлиши.
2. Меҳнатга ҳак тўлаш касбга эмас, балки лавозимга бириктирилиши, юқори билим талаб қилувчи касблар жозибардорлигини йўқотди. Масалан, шифокор ва сержант унвонидаги ҳарбий хизматчи иш ҳақидаги сезиларли тафовут.
3. Электр таъминотидаги узилишларнинг давомийлиги қуидаги нобарқарорликни келтириб чиқарди:
 - таълимнинг уйда бажариладиган вазифалар қисми ўзлаштирилмаслигига таъсир кўрсатди;
 - бизнес юритишга жиддий таъсир кўрсатди. Масалан жаҳон банкининг ҳисботида, бизнес субъекти кичиклашиб боргани сари электр таъминотидан узилиши кучайиб бориши қайд этилган¹².
4. Иқтисодиётнинг норасмий қисмини кучайиши аҳоли даромадлари ҳисбини ва статистикасини юритишга салбий таъсир кўрсатди.

¹² World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank.p. 89.

Тадқиқотлар асосида қуидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Аҳолининг фаровонлик даражасини аниқлаштириш учун демографик жиҳатдан гурухларга ажратиш нуқтаи назаридан аниқ статистикани шакллантириш ва шунга мос тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Қисқа муддатли даврда эътибор берилиши лозим бўлган чоратадбирлар:

- аҳолининг истеъмолини арzonлаштириш, яъни давлат ва “айrim” тадбиркорларнинг монополиясини фавқулодда тугатиш;
- электр таъминотининг узлуксизлигини амалга ошириш, муқобил энергиядан фойдаланишни жадаллаштириш;
- харажатларни қисқартириш, яъни кўп даромадга эга бўлмаган шароитда жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш;
- венчур фонdlари ишлаши учун шароит яратиш;
- норасмий иқтисодиётни қисқартириш.

3. Узоқ муддатли даврга мўлжалланган дастурларни амалга ошириш доирасида:

- профилактика тиббий хизматларни молиялаштириш ҳажмини ва самарадорлигини ошириш;
- мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишлигини инобатга оладиган ҳолда гурухларга ажратган ҳолда таълим бериш;
- олий таълимни қамровини ошириш;
- “кичик бизнесдан-йирик бизнесга” ғоясини иқтисодиётда жорий этиш;
- юқори илмий сифимкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- меҳнат мигрантларини эмас, балки меҳнат маҳсулини экспорт қилиш тамойилини амалга ошириш.

1.3. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини ва фаровонлигини оширишнинг назарий истиқболлари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушкини оширишга қаратилган тизимли ва тадрижий чоратадбирлар изчил олиб борилмоқда. Чунончи, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминлайдиган зарур хуқуқий асослар яратилди ва улар фаол такомиллаштириб борилмоқда.

Республикамида аҳоли бандлигини таъминлаш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса касаначилик меҳнатини ривожлантириш ҳамда ролини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 66283 тани ташкил қилиб, шундан 43479 таси ёки 65,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасига 35589 та (53,7 фоизи), савдо 8242 та (12,4 фоизи), саноат 6348 та (9,6 фоизи), қурилиш 2927 та (4,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2529 та (3,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади¹³.

Бугунги кунда янги иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини кучайтириш, янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Ўзбекистонда касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб бормоқда.

¹³ http://www.samstat.uz/uploads/chorak/2019/yanvar_dekabr_2019_registr_chorak_uz.pdf

Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкаси билан ажратиласди. Бу фоиз ставкаси амалдаги Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади. “Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, “яширин иқтисодиёт”дан тўлиқ халос бўла олмамиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратиш зарур”¹⁴

Фикримизча, оилавий тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантиришда қуйидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- оилавий тадбиркорликни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини самарали ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бунга ҳозирда мавжуд айрим сунъий тўсиқларга тўлиқ барҳам бериш;
- ҳар бир оиланинг меҳнат анъаналарига катта хурмат билан қараш, уни тиклаш ва ривожлантириш, мавжуд ишчи қучларидан самарали фойдаланишга эришиш;
- маҳаллий ҳокимият кучи билан оилавий бизнес юритиш учун зарурий моддий ва маънавий шарт-шароитларни янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида ўз маҳсулотлари билан ички ва ташки бозорга эркин чиқишига амалий ёрдам бериш;
- таълим тизимида оилавий бизнес сирларини чукур ўрганиш ва таҳлил қилувчи маҳсус фанларни киритиш, оила ва таълим тизимида ўзаро яқин ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш;

¹⁴ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 60 бет.

- оилавий бизнесга хорижий инвестициялар, илғор ва замонавий минитехнологияларнинг кириб келишига кенг йўл очиш, четга тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини янада ошириш ва бошқалар.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Уни иқтисодиётнинг муҳим бўғини сифатида эътироф этишларининг боиси шунда

Халқаро оилавий тадбиркорлик тадқиқотлари академиясининг ўрганишича, бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида оилавий бизнес изчил тараққий этиб бормоқда. Зеро, кўплаб ривожланаётган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибида оилавий бизнеснинг улуши 55 фоизни ташкил этади. Муҳими юртимизда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Гап шундаки, бизнеснинг мазкур тармогини ривожлантириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит, етарли тажриба мавжуд. Аввало, жойларда оилавий сулолалар томонидан узоқ йиллар давомида шуғулланиб келинаётган оилавий касбкорлар, яъни косиблиқ, дурадгорлик, новвойлик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик, дехқончилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик, хунармандчилик, мискарлик, кўнчилик, заргарлик, наққошлиқ, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, пичноқчилик, тўқимачилик, пўстиндўзлик сингари йўналишларда оилавий бизнес субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, аҳолига майший хизмат кўрсатишида ҳам оилавий тадбиркорлик субъектларини йўлга қўйиш айни муддаодир.

Албатта, республикамида оилавий янги қонун лойиҳасини тайёрлашда айнан оилавий бизнеснинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, бир қатор масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Аввало, оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш, бундай тузилмаларни давлат рўйхатидан ўtkазишида бюрократик тўсиқларнинг олдини оладиган

тартибларни жорий этиш, ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга суюниш, айни пайтда халқаро тажрибанинг илгор ютуқларидан фойдаланиш зарур.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айни чоғда оила аъзоларининг ушбу тадбиркорлик субъекти фаолияти доирасидаги муносабатларини аниқлаштириш зарур. Бунда оила аъзолари қуидаги ҳуқуқларга эга: корхона бошқарувида, қарорлар қабул қилишда, молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишда қатнашиш; бир-бирининг ҳуқуқларини қисман ёки тўлиқ ифода этиш; корхона низомида белгиланган тартибда кўрилган даромаддан улуш олиш; айни пайтда оилавий корхона таркибидан чиқаётганда корхона низомида кўрсатилган тартибда компенсация олиш; ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига киритиш; амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш; амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бошқа имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Оилавий корхона мулқдорлари айни пайтда оилавий тадбиркорлик субъекти фаолиятида шахсий меҳнати билан қатнашиши лозим, яъни оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтинчалик ишларни бажариш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқаролар жалб этилмаслиги керак. Корхонанинг мулкий мажбуриятлари, чунончи, тўлов қобилияти йўқолган ҳолатларда ўз шахсий мулки билан яқдил жавобгар бўлиш мажбуриятига эга бўлмоғи лозим. Шунингдек, оилавий тадбиркорликда ишловчи ходимлар,

яъни оила аъзолари доимий ишловчи ходим сифатида эътироф этилиб, меҳнат дафтарчаси юритилиши керак.

Бу республикамиз учун ўта муҳимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич республикамизда 2,7 кишини ташкил қиласди. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли, келажақда ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорлик кичик бизнеснинг ўзига хос ташкилий-хуқуқий шакли сифатида мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти катта бўлиб, у бир қатор афзалликларга эга:

- мослашувчанлик ва инновацияларнинг юқори даражаси, ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш қобилияти;
- оила институтини мустаҳкамлаш каби муҳим ижтимоий вазифани бажаради, болаларни муваффақиятли тарбиялашга имкон бергани ҳолда, уларни ижтимоийлаштиришга ҳамда демографик муаммоларни ҳал қилишга имкон беради;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бўлган юқори интилиш даражасини таъминлайди;
- жамиятда ижтимоий-иктисодий ҳолатнинг барқарорлашувига имкон беради.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожланиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг омилларидан бири бўлган, “ўрта синфни” ўсишининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат фуқароларининг менталитети тадбиркорлик муносабатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Оилавий тадбиркорлик ривожланишига менталитетнинг таъсирини ўрганар эканмиз, Ўзбекистонда унинг қуйидагича намоён бўлишига амин бўламиз:

- миллий менталитет оиласи корхонанинг ташқи институционал муҳитига жиддий шакллантирувчи таъсир кўрсатади;
- оиласи бизнес корхоналарида меҳнат муносабатлари оиласи муносабатларда “ролларнинг” қандай тақсимланиши ҳақидаги анъанавий қарашлар асосида қурилади.

БМТ маълумотларига кўра, кичик корхона, микрофирма ва оиласи тадбиркорлик субъектлари дунёнинг 50 фоиз меҳнатга лаёқатли ахолиси учун асосий иш берувчи хисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ишсизлик муаммоси кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларда КБХТ субъектлари томонидан ечилган.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда оиласи тадбиркорликни ривожлантирилиши бир қатор вазифаларни ҳал этишда қўл келади. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиёти ислоҳотлари шароитида мулкдорлар синфининг кенгайишига қулай шарт-шароит яратади.

II-боб. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи ва аҳоли фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

2.1. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. У республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади. Вилоятнинг маъмурий маркази — Самарқанд шаҳри ҳисобланади. Вилоятнинг бошқарув, иқтисодий ва маданий маркази бўлган Самарқанд шаҳри эрамиздан аввалги VIII асрда ташкил топган.

Вилоятнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Каттақўргон, Ургут, Оқтош, Булунғур, Жума, Жомбой, Челак, Иштихон.

Самарқанд вилояти иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятларига нисбатан юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Унда қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари ва туризм соҳалари ривож топган. Самарқанд вилояти табиий бойликларга бой. Вилоят ҳудудида, хусусан, вольфрам, мис, оҳак, мармар, гипс, керамзит, алюминий, гранит ва бошқа конлар мавжуд.

Жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобиль заводи, “ЖВ Ман Ауто Узбекистан” қўшма корхонасида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. “Бритиш-Американ тобакко”, “Сам Антеп Гилам”, “УргГазКарпет”, “Амин Инвест”, “Дака Текс”, “Агромир Самарқанд” қўшма корхоналари, “Сино”, “Самарқандкимё” акциядорлик жамиятлари, “Шарқ саноати” хусусий концерни сингари йирик ишлаб чиқариш қувватлари вилоятнинг иқтисодий ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятининг ЯИМ бўйича саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати ишлаб чиқариш ҳажми 2001 – 2019 йиллар кесимиға нисбатан ўсиш даражаси юқори.

2.1.1-жадвал

Самарқанд вилоятининг ялпи ички маҳсулот түғрисида маълумот¹⁵ (млрд. сум)

Курсаткичлар номи	2001 й.	2011 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й
Жами ЯИМ	386,9	7 702,3	25 569,8	31 187,4	37 593,9
шу жумладан:					
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	362,1	7 563,5	25 176,3	30 613,4	36 479,7
Маҳсулотларга соғ солиқлар	24,8	138,8	393,5	574,0	1 114,2
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	362,1	7 563,5	25 176,3	30 613,4	36 479,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	179,7	4 392,6	13 213,9	16 008,8	17 481,5
Саноат	35,4	608,3	3 311,7	4 296,5	5 759,6
Қурилиш	21,6	353,4	1 071,2	1 340,1	1 844,9
Хизматлар	125,4	2 209,2	7 579,5	8 968,0	11 393,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	32,6	418,8	1 641,5	1 987,5	2 375,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	24,1	402,6	1 916,7	2 118,1	2 342,1
бошқа хизмат тармоқлари	68,7	1 387,8	4 021,3	4 862,4	6 676,2

Барча тармоқларда ўсиш кузатилган. Ўртacha ўсиш даражаси барча тармоқлар 2019 йиллари 2018 йилларига нисбатан 127,0 фоиз ижобий ўсиш даражасига эришган.

Самарқанд вилояти ҳамда унга тегишли деярли барча ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ижтимоий-иктисодий ислоҳатларни амалга ошириш бўйича самарали чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ЯҲМнинг ўсиши кузатилмоқда (2.1.2-жадвал).

¹⁵ http://www.samstat.uz/uploads/press-reliz/2019/Svod/yanvar_dekabr_2019_svod_pressreliz_uz.pdf.

2.1.2-жадвал

Самарқанд вилоятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили¹⁶

Кўрсаткичлар	2019 йил млрд. сўм	2018 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
Ялпи ҳудудий маҳсулот	37 593,9	104,1
Саноат маҳсулоти	13672,5	104,0
Истеъмол товарлари	9564,3	108,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	30298,6	102,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	9798,6	128,2
Қурилиш ишлари	4096,8	105,3
Юк айланмаси (млн. тн-км)	1123,8	102,3
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	14985,5	103,2
Чакана товар айланмаси	13154,2	106,3
Хизматлар, жами	12 271,1	108,9
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1744,5	107,7
экспорт	391,6	124,1
Импорт	1352,9	103,7
Салдо (+;-)	-961,3	x

2.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики вилоятда 2019-йилда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 37 593,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 104,1 фоизни ташкил етиб, 10,0 фоизга ўсган. Шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 13672,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 104,0 фоизни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 9564,3 млрд. сўмни ёки 108,5 фоизни, чакана товар айланмаси 13154,2 млрд. сўмни ёки 106,3 фоизни, капитал қўйилмалар 9798,6 млрд. сўмни ёки 128,2 фоизни, қурилиш-пудрат ишлари 4096,8 млрд. сўмни ёки 105,3 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 30298,6 млрд. сўмни ёки 102,2 фоизни, жами хизматлар ҳажми 12 271,1 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати 108,9 фоизни ташкил қилди. Таҳлил натижасида шуни айтиш мумкинки, вилоятда таққосланаётган йилга нисбатан кузатув олиб борилган 2019 йилда иқтисодиётнинг қарийб барча соҳаларида ўсишга эришилган.


¹⁶ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Самарқанд вилоятида ялпи худудий маҳсулотнинг 2019-йилдаги тармоқлар таркиби 2.1.1-расмда келтирилган.

2.1.1-расм

Самарқанд вилоятида ЯҲМ тармоқлар таркиби, (фоизда)¹⁷

2019 йил



Юқорида келтирилган 1-диаграмма маълумотларидан маълумки, 2019-йилда вилоятнинг ялпи худудий маҳсулоти ҳажмида тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 97,0 фоизни, маҳсулотларга соғ солиқлар 1,8 фоизни, шундан хизматлар улуши 31,2 фоизни, саноат 20,9 фоизни ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги еса енг юқори кўрсаткични қайд етиб, 47,9 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий еркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида еътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига

¹⁷ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта еътибор берилиши ҳамда қўллаб-куватланиши натижасида унинг Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши йилдан йилга ортиб бормоқда (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал.

Самарқанд вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари тизими.

Курсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	(+/-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирликда	19 629	25 643	6 014
Янги ташкил етилган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирликда	4 312	7 980	3 668
<i>Кичик тадбиркорликнинг улушилари:</i>				
ЯҲМ	%	80,3	77,5	-2,8
Саноат	%	57,2	53,8	-3,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	%	97,1	96,4	-0,7
Инвестиция	%	59,8	62,3	2,5
Қурилиш	%	98,5	95,8	-2,7
Савдо	%	90,5	89,2	-1,3
Хизматлар	%	73,9	71,1	-2,8
Юк ташиш	%	97,0	97,2	0,2
Юк айланмаси	%	96,9	96,3	0,6
Йўловчи ташиш	%	93,6	94,1	-0,5
Йўловчи айланмаси	%	97,9	97,3	-0,6
Экспорт	%	80,0	76,2	-3,8
Импорт	%	69,4	69,4	0,0

Самарқанд вилоятида 2019 йил бошида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони **25 643** тани ташкил қилди. 2019

йилда ялпи худудий маҳсулотнинг 77,5 фоизи (2018 йилда 80,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Самарқанд вилоятида ташқи савдо соҳасида ҳам ижобий силжишларга еришилмоқда. Вилоятда ташқи савдо обороти 2019-йилда 1 744,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан, 7,7 фоизга ўсган. жумладан, экспорт операциялари 391,6 млн. АҚШ долларини ўсиш суръти 124,1 фоизни ташкил этган бўлса, импорт операциялари 1 352,9 млн. АҚШ долларини, ташқи савдо салдоси минусда 961,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2.1.3-жадвал)

2.1.3-жадвал

Самарқанд вилоятининг ташқи савдо айланмаси таҳлили¹⁸
(млн.АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариши (%)
Ташқи савдо айланмаси	1613,7	1 744,5	130,8	108,1
Экспорт	321,8	391,6	61,9	124,1
Экспорт ҳажмининг улуши, фоизда	20	20	-3,6	84,5
Импорт	1291,9	1 352,9	61	104,7
Импорт ҳажмининг улуши, фоизда	80	80	3,6	104,8

Келтирилган 2.1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йил мобайнида вилоят ташқи савдо обороти ўсиш суръатига ега бўлган. 2019 йилда ташқи савдонинг бундай ўсиш тенденсиясига ега бўлганлиги сабабли, 2019 йилда ташқи савдо обороти 2018 йилга нисбатан 108,1 % га ўсган.

Муайян худуд ташқи савдосига баҳо беришда фақат унинг умумий ҳажми (ташқи савдо обороти)ни таҳлил қилиш билан кифояланиб қолиш етарли бўлмайди. Унинг сифат томонини ифодалайдиган экспорт ва импорт обороти таркибilarини ҳам ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Вилоятда экспорт ҳажми 2019 йил 2018 йилга нисбатан 24,1 фоизга ўсган. Бу албатта мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатининг

¹⁸ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

янада яхшиланганлиги, маҳсулот турларининг кўпайганлиги ва бунинг натижасида жаҳон бозорларида уларга бўлган талабнинг ортганлиги билан изоҳланади.

Ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб, энг аввало, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва ундан тўлароқ фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ҳаракат жаҳон бозорида қатнашишнинг оддий усулидан бошланиши керак. Яъни, экспортнинг доимий шаклини ривожлантириб, умуман экспорт ҳажмининг кенгайтирилишини талаб қиласди. Экспорт хомашёдан тайёр маҳсулотларга, тайёр маҳсулотларни ҳам мураккаблаштириб бориб, машина ва жиҳозларни, интеллектуал товарлар ҳиссасини ошириб боришни талаб қиласди.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Вилоят ташқи савдо оборотида ҳали ҳам импорт етакчилик қилмоқда. Жумладан, 2018 йилга солиштирганда 2019 йилда импорт ҳажми 61 млн. АҚШ долларига ошган ва ўсиш суръати 104,7 фоизга етган. Умуман вилоят ташқи савдо айланмаси таркибида импортнинг улуши 2019 йилда 80 фоизни ташкил этган бўлса, мос равища экспортнинг улуши 20 фоизга teng.

Бугунги кескин рақобат шароитида ҳар қандай давлат, худуд иқтисодий ривожланиши учун ташқи савдо алоқалари асосий ўринни эгаллар экан, барча давлатлар ташқи савдони энг мукаммал тарзда ташкил этишлари ва ундан мамлакатни ривожлантириш йўлида самарали фойдаланишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қиласди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаң бориш, доимий равищда ички имконият ва захираларни излаб топиш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом еттиришдан каби тамойиллар асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли истиқлол йилларида республикамизда қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш корхоналари жадал суръатларда ривожланиб, юксак марраларга эришилди.

Сўнгги йилларда саноат соҳасининг ўсиши Самарқанд вилоятида ҳам кузатилмоқда (2.1.4-жадвал).

2.1.4-жадвал

Самарқанд вилояти ЯҲМда саноат соҳасининг кўрсаткичлари¹⁹
(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариши, фоизда
ЯҲМ миқдори, млрд.сўм	25569,8	31187,4	5617,6	122,0
Шу жумладан:				
Саноат ҳажми, млрд.сўм	3311,7	4296,5	984,8	130,0
Саноатнинг ЯҲМдаги улуши, фоизда	13,0	13,8	0,8	106,1
Бошқа тармоқлар, млрд.сўм	21864,6	26316,9	4452,3	120,0
Бошқа тармоқларнинг ЯҲМдаги улуши, фоизда	85,5	84,4	-1,1	98,7
Маҳсулотларга соғ солиқлар, млрд.сўм	393,5	574,0	180,5	145,9
Маҳсулотларга соғ солиқларнинг ЯҲМдаги улуши, фоизда	1,5	1,8	0,3	120
Жами ЯҲМ, фоизда	100,0	100,0	-	-

¹⁹ Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқорида келтирилган 2.1.4-жадвал маълумотларидан қуидаги хулосаларга келинди:

- Самарқанд вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 2017 йилга солиштирганда 984,8 млрд сўмга кўпайиб, ўсиш суръати 30,0 фоизни ташкил этган.
- 2017 йилга нисбатан 2018 йилда маҳсулотларга соф соликлар ва бошқа (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш, хизматлар, савдо) тармоқларнинг ҳам сезиларли ўсиш тенденсиялари кузатилган.
- Вилоятда ўтган йилга нисбатан жорий йилда ялпи худудий маҳсулот барча кўрсаткичларининг ошиши натижасида ЯҲМ ҳажми 2018 йилда 31187,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга солиштирганда 5617,6 млрд сўмга ва 22,0 фоизга ошган.
- ЯҲМ таркибида саноат тармоғининг улуши 2017 йилда 13,0 фоизни ташкил етган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 13,8 фоизга етди ва 0,8 пунктга ошди.

Умуман олганда вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (30,0 фоиз), ЯҲМнинг ўсиши (22,0 фоиз) ва бошқа тармоқларнинг ўртacha ўсиш кўрсаткичи (20,0 фоиз) дан юқори бўлган.

Саноат нафақат иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш манбаи, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ва фаровонлигини янада оширишда ва даромадларини кўпайтиришда ҳам муҳим соҳа ҳисобланади.

2.2. Самарқанд вилояти қишлоқ жойлари аҳоли бандлигининг кўрсаткичлар таҳлили.

Иш билан таъминлаш соҳасида ишга яроқли фуқароларнинг меҳнат фаолиятини эркин танлаб олиниши ва аҳолининг ёшлар, аёллар, ногиронлар каби гуруҳининг меҳнат фаолиятини эркин танлаб олиш имкониятини берувчи иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-куvvatловчи ташкилий тадбирларни амалга оширувчи ёрдамчи воситалардан фойдаланиш зарур.

2.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари таркиби буйича шаҳар ахолиси қишлоқ жойлардаги меҳнат ресурслари 2018 йилда жами меҳнат ресурслари сони бўйича 18829,6 минг кишини, шундан қишлоқ жойлардаги меҳнат ресурслари 8797,1 фоизни Самарқанд вилоятида эса шаҳар жойлардаги меҳнат ресурслари 2018 йилда 2103,4 минг кишини шундан қишлоқ жойлардаги 1261,7 минг кишини ташкил этиб барча йиллар кесимида ўсиш даражаси давом этмоқда. (2.2.1-жадвал)

2.2.1-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ресурслари сони тўғрисида маълумот²⁰

минг кишии

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси		Самарқанд вилояти	
	Жами	шундан: қишлоқ	Жами	шундан: қишлоқ
2013	17 814,1	8 214,6	1 973,8	1 159,8
2014	18 048,0	8 366,5	2 003,8	1 185,1
2015	18 276,1	8 507,7	2 033,6	1 206,6
2016	18 488,9	8 645,6	2 058,2	1 225,5
2017	18 666,3	8 716,8	2 079,6	1 244,6
2018	18 829,6	8 797,1	2 103,4	1 261,7

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Кишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг бир қисми бўлиб, уларнинг сони демографик омил таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг қанча бўлиши тегишли ёшлардаги ўлим даражасига боғлиқ бўлади. Бу шунингдек, меҳнат қилиш ёшига етган ёшлар билан пенсия ёшига етган фуқаролар сони ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Ўлим қанчалик кам бўлса ва меҳнат қилиш ёшига етган фуқаролар бу ёшдан чиққан кишиларнинг ўртасидаги фарқ қанчалик юқори бўлса, меҳнат қилиш қобилиятига етган кишилар сони шунчалик қўп бўлади ёки аксинча.

Самарқанд вилоят қишлоқ жойлари аҳолиси иқтисодиётнинг норасмий секторида ҳам ишлашади. Аммо, уларнинг сони йилдан-йилга камайиб бориши мумкин. Чунки, вилоятда иш билан таъминлаш хизмати фаолият кўрсатмоқда.

Меҳнат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти объектив зарурият ҳисобланиб, у кишилк жамиятининг барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларига хосдир. Меҳнат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлиги Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи асосий босқичини ҳаётга жорий қилиш даврида долзарб ҳисобланади.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унинг қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир минтақа меҳнат ресурсларининг касбий, малакавий ва функционал салоҳиятидан фойдаланиш даражаси умумий, хусусий ва алоҳида тақсимотидаги ўзгаришларни акс эттиради. Моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганларнинг нисбатидаги ўзгаришлар ва фарқлар ўз навбатида ижтимоий тараққиёт қонуниятларига таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти меҳнат ресурслари бандлиги кўрсаткичлардаги ўзгаришлари иқтисодиётнинг йирик тармоқлари ва соҳалар бўйича таҳлил қилиш ўзига хос хусусиятларни аниqlашга имкон

беради. Қуйидаги маълумотларга асосланиб меҳнат ресурслари даражасини таҳлил қилиб чиқамиз. (2.2.2-жадвал)

2.2.2-жадвал

Иқтисодиётда бандлар сони тўғрисида маълумот²¹

минг киши

	Ўзбекистон Республикаси		Самарқанд вилояти	
	Жами	шундан: қишлоқ	Жами	шундан: қишлоқ
2013 й.	12 523,3	5 611,8	1357,3	789,8
2014 й.	12 818,4	5 690,9	1402,5	807,0
2015 й.	13 058,3	5 821,8	1443,9	832,9
2016 й.	13 298,4	6 127,4	1485,1	870,9
2017 й.	13 520,3	6 269,1	1523,1	911,3
2018 й.	13 273,1	6 059,7	1463,3	869,4

2.2.2-жадвал маълумотлари далолат берадики иқтисодиёт тармоқларининг аксариятида ишлаётган ходимлар сони ўсиш тенденциясига эга: 2013 – 2018 йилларда Республика бўйича иқтисодиётда банд шаҳар аҳолиси ўртача 13081,9 минг киши даражага ўсиш кузатилган. Республика бўйича иқтисодиётда банд қишлоқ аҳолиси ўртача 5930,1 минг киши даражага ўсиш кузатилган. Самарқанл вилоятида шаҳар аҳолиси ўртача 1445,8 минг киши, қишлоқ аҳолиси 846,8 минг кишини ташкил этган.

Қилинган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги йилдан-йилга ортиб, иқтисодиёт тармоқлари ривожланиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг меҳнат ресурслари – жамиятда фаолият юритаётган меҳнат ресурсларининг бир қисмидир. Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши асносида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хизматчилар сони кўпайиб боради. Бу табиий ҳол. Унда фаолият

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

кўрсатаётган ходимларнинг асосий қисми мутахассислардир. Уларнинг ярмидан кўпроғи олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи соҳада ўртасидаги фарқлардан бири ана шунда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган аҳоли сонининг ўсишга, бу соҳа хизматларига бўлган талабнинг ошиши ва янги иш ўринларининг яратилиши билан боғлиқ (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ жойларида кўрсатилган бозор хизматлари

млрд.сум

Кўрсаткич номи	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар ҳажми	14 423.2	17 580.2	20 379.9	2 038.0	2 797.2	3 120.4
Ўсиш сурати.%	100.0	121.9	141.3	100	137.2	153.1

2.2.3 – жадвал маълумотларидан кишиниб турибдики Республика бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 2018 йил 2016 йилга нисбатан 141.6 фоизга ўсиш кузатилган. Самарқанд вилояти қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2018 йил 2016 йилга нисбатан ўсиш суръти 153.1 фоизни ташкил этган.

Хизмат тармоқларига жалб этилганлар — янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характерига эга бўлган меҳнатга жалб қилинади.

“Охирги йилларда ривожланган давлатларда аралаш иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳаси тез ва жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўта ривожланган давлатларда ушбу соҳада 50 %дан

кўпроқ меҳнат ресурслари банд ...”²². АҚШда хизматлар соҳаси башоратларга кўра “... яқин ўн йил ичида янги иш жойларининг 90 %ни таъминлаши лозим”²³.

Ҳозирги шароитда хизматларга бўлган талаб тобора ошмоқда, жумладан, социал характерга эга бўлганларига. Социал турдаги хизматларга талабларнинг ўсиши хизмат қўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларини жамлашни талаб қиласди. Аҳолининг юқори сифатли медицина хизматига бўлган талабини қондиришга, соғлигини ҳимоя қилишга, беморларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишга соғлиқни сақлаш ходимлари масъулдирлар.

Ижтимоий меҳнатнинг мазмуни ва характерининг ўзгариши, аҳоли машғул бўлган касблар таркибидаги силжишлар сабабли миллий иқтисодиётнинг юқори малакали кадрларга бўлган талабининг ўсиши ўз навбатида маҳсус ўқув юртларининг ташкил этилишини, амалдагиларининг кенгайишини талаб қиласди. Бу билан таълим соҳаси – аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Фаннинг янада ривожланишини, унда аҳоли бандлигини ўстиради.

Аҳолининг интелектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга маданият ва санъат соҳалари ходимлари даъват қилинган.

Социал соҳада илм ва фан ютуқларини қўллаш – ходимларни ижодий ишлар билан боғлиқ бўлмаган, ёрдамчи ишлардан озод этади. Айни пайтда меҳнат жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш социал соҳа ходимларининг меҳнати сифатини яхшилашга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш лозимки, социал соҳада, хусусан, соғлиқни сақлашда фан техника тараққиёти таъсирида медик мутахассислиги бўлмаган ходимлар ҳам фаолият юритишмоқдалар: инженерлар, биологлар ҳамда медицина ускуналарига қарайдиган ишчилар.

²² Файзиев Э.С. Хизмат қўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни. Хизмат қўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008, 18 бет

²³ Ўша манба, 12 бет.

Социал хизмат кўрсатувчи тармоқларда меҳнат ресурслари ўзига хос хусусиятларга эга:

- бу соҳада олий ва ўрта маҳсус мутахассисларнинг бўлишлиги;
- ходимларининг демографик тузилиши миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлариникидан – ходимлар таркибида эркак мутахассисларга нисбатан аёл мутахассисларнинг кўпроқ бўлишлиги, соҳада қари кишиларнинг кўпроқ ишлашиши билан фарқ қиласди;
- соҳада қўшимча меҳнат кучининг ишлатилишига эҳтиёж бўлишлиги сабабли унда ўриндош ишлайдиган ходимларнинг кўп бўлишлиги

Савдо ва умумий овқатланиш тизими ходимлари социал хизмат кўрсатувчи соҳа ходимлар ҳисобланади. Уларнинг меҳнати жамиятдаги жами меҳнатнинг бир қисмидир. У социал фойдалидир.

2.3. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мезонлари ва кўрсаткичлари

Оқилона бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуидаги мезонларда ўз аксини топади:

- ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида боёр мувозанатига эришиш;
- иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш;
- аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш;
- ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қуидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади:

- мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони;
- бажарилган иш вақтининг миқдори;
- аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми;

- маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони;
- аҳолининг миграцион оқими;
- меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши;
- ижтимоий инфратузилма хизматларининг миқдори;
- қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимини ер юкландаси;
- ўртача йиллик иш ҳақи;
- аҳолининг уй-жой билан таъминланиши;
- меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси;
- асосий фонdlардан фойдаланишнинг сменалик коэффициэнти;
- ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлар сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори;
- меҳнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси;
- мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.лар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс таҳлили ва истикболини белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Аҳолининг иш билан бандлиги кўп укладли иқтисодиётнинг муҳим ижтимоий жиҳати, чунки бу билан кишиларнинг даромади ҳосил бўлади, улар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топади, қобилият ва истеъдодларини юзага чиқара олади. Кўп укладли тузилма эса, иш билан бандликнинг усули ва таркибини янгилайди, унинг янги шаклларини юзага келтиради.

Иш билан бандлик ҳарактери кишиларнинг мулкий мақомига боғлиқ бўлади. Капитал соҳиблари тадбиркорлик билан банд бўлсалар, меҳнат аҳли ёлланиб ишлайди. Иш билан бандлик даражасини меҳнат бозоридаги талаб

белгилайди, аммо бозор талаби доирасида иш билан бандлик шаклини танлаш имкони мавжуд бўлади. Ўтиш даврида иш билан бандликни таъминлашнинг бозор қоидалари билан биргаликда, унга давлатнинг аралашуви ҳам юз беради. Давлат ижтимоий низолар юзага чиқмаслиги учун иш билан бандликни ошириш чораларини амалга ошириб боради, нодавлат секторда янги ишчи ўринларини яратишни рағбатлантиради, қонун йўли билан иш билан бандликни тартибга солади.

Иш билан бандлик меҳнат ресурсларининг укладлараро эркин харакатини билдиради, чунки тоталитар тузумдан фарқлироқ бозор муносабатига ўтаётган тизимда меҳнат аҳлини айрим секторларга боғланиб қолиши юз бермайди, чунки меҳнатнинг эркин миграциясига йўл очилади.

Кўп укладли тизимда иш билан бандликнинг эркин ёлланиб ишлаши, тадбиркорлик қилиши, воситачи бўлиши, якка меҳнат фаолияти билан хонаки – оиласвий ишлаб чиқариш билан шуғулланиши, ўз-ўзини иш билан банд қилиш каби шакллари юзага келиб, улар барча соҳалар доирасида кечади. Айни бир вақтнинг ўзида иш билан бандликнинг бир неча турларини, масалан ёлланиб ишлаш билан тадбиркорликни ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг чирмасиб кетиши ҳам пайдо бўлади. Иқтисоддаги ранг – баранглик иш билан бандликка ҳам шундай тус беради. Ўз навбатида хилма – хил иш билан бандлик хилма – хил даромад шаклларини юзага келтиради.

Аҳоли даромадининг ортиши ортидан ҳаёт фаровонлиги кафолатланади. Жамиятда ҳар бир ходиса ва жараёнлар ўзаро узвий равища боғланган бўлиб, боғланишлар ходиса ва жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичларнинг боғланишида намоён бўлади. Масалан, миллий даромадлар ҳажми ялпи ички маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги ва таннархни олсак, биринчи кўрсаткич ўзгариши билан, аниқроғи, меҳнат унумдорлигининг ортиши таннархни пасайишига олиб келади, товар оборотнинг ҳажмини ўзгариши эса товарлар баҳоси ва миқдорини ўзгаришига бевосита боғлиқ. Бу боғлиқликларни аниқлаш ва

ўлчаш статистиканинг муҳим вазифаларидан биридир²⁴. Шу сабабли, Ўзбекистон иқтисодиёти учун истеъмол функцияси тузамиз ва бир қанча боғлиқликларни аниқлаймиз.

2.3.1-жадвал

ЯИМ ва Якуний истеъмол кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция боғлиқлиги²⁵

Йиллар	ЯИМ (y)	Якуний истеъмол (x)	xy	x^2	Y ҳисоб	Аппр. хатоли ги
2008 й.	39,0	24,7	961,7	609,0	34,9	0,12
2009 й.	49,4	31,7	1 566,3	1 006,3	44,6	0,11
2010 й.	74,0	52,1	3 857,6	2 714,4	72,5	0,02
2011 й.	96,9	66,7	6 463,1	4 444,2	92,5	0,05
2012 й.	120,2	85,1	10 229,3	7 237,4	117,7	0,02
2013 й.	144,5	107,0	15 472,7	11 457,9	147,9	0,02
2014 й.	177,2	131,2	23 237,4	17 205,7	181,0	0,02
2015 й.	210,2	159,1	33 449,9	25 327,5	219,3	0,04
2016 й.	242,5	188,8	45 792,9	35 660,6	260,1	0,07
2017 й.	302,5	221,1	66 879,9	48 869,2	304,3	0,01
2018 й.	407,5	283,0	115 337,4	80 103,9	389,2	0,05
Жами	1 864,01	1 350,53	323 248,11	234 636,16	1 864,01	0,52
Ўртacha	169,46	122,78	29 386,19	21 330,56	169,46	0,05

Дастлаб, энг кенг тарқалган методлардан бири бўлган *корреляцион-регрессион таҳлил методидан* фойдаланамиз. 2010-2018 йиллар оралиғида истеъмол ва жамғариш даражаси орқали Ўзбекистонда истеъмол ва жамғариш функцияларини тузамиз. Бунинг учун корреляция даражасини аниқлаш ва регрессия тенгламасини тузиш керак.

Корреляция коэффицентини ҳисоблаш:

²⁴ X.Shadiyev va boshqalar. Statistika. Darslik. OO‘MTV; -Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2013. – 384 b.

²⁵ Манба: ОТБ статистик маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

$$R_{xy} = \frac{29386.2 - (122.8 * 169.5)}{S \sqrt{(6256.8 * 11844)}} = 0.996$$

Истеъмол ва ЯИМ ўртасидаги корреляция коеффициенти 0.996 бўлиб, жуда кучли боғланишни кўрсатмоқда.

Регрессия тенгламасини тузамиз:

$$Y = 1.07 + 1.37 * x$$

Юқоридаги маълумотлар асосида тузилган регрессия тенгламаси шуни кўрсатмоқдаки, агар, истеъмол қиймати 1 бирликка ошса, у ялпи ички маҳсулотни 1.37 бирликка ошишига сабаб бўлади. Шунингдек, агар истеъмол қиймати 0 га тенг бўлса, ЯИМ ҳажми 1.07 бирликка тенг бўлади.

2.3.1-расм

Даромаднинг (истеъмолга бўғлиқ) функцияси²⁶



Даромадни (Истеъмолга бўғлиқ) функцияси чизиқли кўринишга эга бўлиб, у доим ўсувчи бўлганини кўриш мумкин.

Истеъмол ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқликнинг регрессия статистикаси боғлиқлик ҳақида тўлиқ маълумот беради. Ундаги маълумотлар асосида яратилган функцияning қанчалик тўғри эканини текшириш мумкин. Бунинг учун т-статистика ва фишер мезонларидан фойдаланамиз.

²⁶ Манба: ОТБ статистик маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Бунда F_{his} (1416,05) > F_{jad} (4,4) ҳамда t_{his} (37,6); > t_{jad} (2,2) тасдиқланади. Уларнинг қиймати жадвалдаги қийматдан катта бўлганлиги сабабли функция тўғри тузилган ҳисобланади.

Бугунги кунда глобал инқироз тобора хавфли тус олмоқда. Бундай шароитда турли иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, истеъмол харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига, аҳоли даромадларига тасир кўрсатади. Шунинг учун уларни қандай тенденцияга эга эканлигини аниқлаш бизга бошқа иқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилишимизга ҳам ёрдам беради.

Истеъмол соҳасидаги инқирозга қарши устувор чоралар аҳолининг кам ҳимояланган, кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши керак. Уларнинг мақсади кам таъминланган оиласарнинг овқатланиш таркибидаги инқирознинг янада ёмонлашуви ҳамда зарур доридармонларни рад етишининг олдини олишdir.

Тадқиқот натижалари қуйидагиларни намоён етади:

1. Агар истеъмол қиймати 1 бирликка ошса (бошқа омиллар ўзгармаганда), у ялпи ички маҳсулотни 1,37 бирликка ошишига сабаб бўлади.

2. Коррелляцион-регрессион таҳлил натижалари ҳам қониқарли натижа берганига қарамасдан, ҳозирги кунда улар оддий усул ҳисобланади ва прогнозда турли ноаниқликларни юзага келишига олиб келади.

3. Ҳозирги кунда таҳлил ва прогнозлашда замонавий методлар мавжуд бўлиб, уларнинг аниқлик даражаси жуда юқори ва узоқ муддатда ҳам кам хатоликка эга. Жумладан, АРИМА методлари экзоген ўзгарувчиларнинг қўшилиши орқали янада аникроқ даражага етказиши мумкин. Бу метод ҳисобкитоб учун кам куч ва вақт талаб қилиб, бизнинг тадқиқотларимизда нисбатан яхши натижа бермоқда. Шунингдек, AR модели юқоридагилардан ҳам яхши натижа беради. Бунинг сабаби, истемол ҳажми кўп ҳолларда ўзидан олдинги йиллардаги натижаларга боғлиқ бўлади ва шу боис, модел аниқлиги юқорироқ бўлади.

III-боб. Самарқанд вилоятида аҳоли фаровонлиги ва бандлигини ошириш йўллари

3.1. Қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва фаровонлигига таъсир этувчи омиллар

Мамлакатда иш билан бандлик таркибини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, иқтисодиётнинг ҳам таркибини ўзгартириш зарур бўлади, ёки акси – иқтисодиётнинг тармоқ ёки ҳар қандай бошқа тузилишининг ўзгариши мос равища ишчи кучининг ҳам таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келади.

Аҳолининг ҳудудий таркиби эса, маълум маънода иқтисодиёт таркибини белгилаши мумкин. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудлар меҳнат сифими катта бўлган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун жуда қулай келади.

Юқорида билдирилган фикрлар иш билан банд аҳоли таркибини ўрганишнинг услубий жиҳатлари бўйича муҳим хулоса чиқаришга имконият беради. Яъни, аҳолининг иш билан бандлик таркибини ўрганиш методологик ва амалий жиҳатдан давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим масаладир, чунки иш билан бандлик таркиби давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятидан дарак беради ва бутун дунё бозор муносабатларида тутган ўрнини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ишчи кучи ҳолатини яхшилаш учун статистик услубиётнинг барча механиқмларидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Иш билан аҳоли таркибини яхшилашнинг ҳар қандай мақсад ва вазифасини ҳал қилиш олдин унга таъсир этувчи устувор омилларнинг таъсир даражасидан фойдалана билишни тақозо қиласди.

Биринчидан, меҳнат ресурслари меҳнатга қобилиятли аҳоли ва иш билан банд аҳоли такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаидир. Бу эса, меҳнат ресурслари ўсиш суръатларининг ҳудуд учун муҳим бўлган меъёрлардан камайиб кетмаслигини назорат қилиш ва тартибга солиш объектив лозимлигини билдиради.

Агар ҳудудда меҳнат ресурсларининг бетўхтов юқори суръатларда ўсиши давом этаётган бўлса, ҳисобот даврида бундай ўсишнинг қандай омиллар ҳисобига рўй берадиганини аниқлаш муҳим. Чунки, сабаблар маълум бўлгандагина, иш билан таъминлаш тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳудудда меҳнат ресурслари ўсишининг асосий сабаби демографик омиллар билан боғлиқ бўлса – у ҳолда иш жойлари ташкил қилиш, ҳудуднинг олдиндан белгиланган ривожланиш дастурлари асосида анъанавий тадбирлар орқали амалга оширилиши мумкин. Бироқ, меҳнат ресурслари ўсишининг асосий омили миграция ҳисобига бўлаётган бўлса, у ҳолда кўчиб келган аҳоли ва ҳудуд манфаатларини биргаликда мослаштириш тадбирлари кўзда тутилади.

Шу билан бирга, миграция туфайли ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг сифат таркиби мувозанатга келиб мослашиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим. Бу эса, ҳудуд бюджети учун сезиларли ижобий натижа келтириши мумкин. Таҳлилнинг аҳамияти ҳам шундаки, миграция ҳудуд учун фойда келтиряптими ёки бу омилдан фойдаланмасдан келиняптими? Меҳнатга қобилиятли аҳолиси камайиб кетаётган ҳудудда эса, заруратга қараб, меҳнат ресурсларини кўпайтириш ёки бошқа ҳудудлар баланслари билан мувофиқлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Бир вақтнинг ўзида иш билан банд ишчи кучи ўзининг таркиби билан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Ишловчилар таркибини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Хусусан, ишчи кучи таркибида эркаклар кўп бўлган, аёллар кўп бўлган ёки уларнинг миқдори teng бўлган ҳудудлар ривожланишида меҳнат ресурсларининг жинс таркибини эътиборга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ишлаб .чиқиши жузъий ролга эга. Аёлларнинг меҳнатга қобилияти ёки эркаклар ёшига нисбатан 5 йилга камлиги, фаолият турлари бўйича аёлларнинг ижтимоий кафолатлардан фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги ишчи кучи таркибида улар салмоғининг тез суръатлар билан камайишига олиб келади. Бу эса, ҳудуднинг ишчи кучига

бўлган эҳтиёжига ва умумий қўрсаткичларига салмоқли таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу билан бирга, меҳнат ресурслари таркибида меҳнат ёши давридан ташқарида бўлишига қарамасдан ишлаётганлар миқдорини таҳлил қилиш ҳам зарур тадбирлардан ҳисобланади. Ўсмирлар ва пенсия ёшидагиларнинг меҳнат ёшидагилар билан баб-баравар ишлаши бир томондан, меҳнат ресурслари фаоллигини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан худудда аҳоли турмуш даражаси қониқарли даражада эмаслигидан ҳам далолат беради. Шунинг учун ҳам, ҳар бир туман, шаҳар, туман хусусиятларига кўра, тегишли амалий тадбирлар ишлаб чиқиши талаб этилади.

Иш билан таъминланган аҳолининг расмий ва норасмий секторларда, шунингдек, тармоқлар бўйича тақсимланиши маълумотлари худудларда иқтисодий тараққиёт ва ишчи кучидан фойдаланиш ҳолатини кўрсатадиган универсал қўрсаткичлар қаторига киради. Агар меҳнат иш билан таъминланганлар тақсимоти худуд иқтисодиётининг тармоқ таркибига тўғри келмаса, у ҳолда мос келмаслик сабабларини аниқлаш орқали тегишли тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Масалан, хизмат соҳасида иш билан таъминланганлар салмоғи жами иш билан таъминланганлар орасида юқори бўлган ҳолда, хизмат соҳаларида меҳнат унумдорлигини ошириш, хизмат турларини кўпайтириш вазифаси қўйилиши мумкин.

Ишчи кучи таркибидаги тегишли мувозанат ва нисбатларни худуд ижтимоий-иктисодий ривожланиши талаблари даражасига етказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу эса, унинг таркибини акс эттирувчи қўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни жиддий ўрганишни талаб қиласди.

Масалан, қишлоқ жойлар бўйича иш билан бандлар қишлоқ жойлари иш билан таъминланганлар йиғиндисидир. Шундан келиб чиқиб, ишчи кучи шаклланиши ва тақсимланишининг тумандаги ўртача хусусиятларидан фарқ қилувчи қишлоқ жойларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Хусусан, деярли барча қишлоқ жойларида устувор ривожланишни талаб қиласдиган худудлар мавжуд. вилоятлар ҳокимиятлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

ҳимоя қилиш бошқармалари нисбатан ривожланган қишлоқ жойлар ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси молиявий воситаларидан ва бошқа имкониятлардан фойдаланиб, заиф ривожланган қишлоқ жойларда устувор равишда иш жойларини яратиш дастурларини ишлаб чиқишилари ва амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг иш билан бандлик тўғрисидаги қонунида таъкидлаб ўтилган фуқароларнинг тўлиқ самарали ва эркин тарзда касб танлаш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш тамойилини турмуш даражасини таъминлаган ҳолда, давлат миқёсида иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг иш жойига бўлган эҳтиёжини қондириш сифатида тушунмоқ лозим.

Бозор шароитида иш билан тўлиқ банд қилишнинг ижтимоий самараси иқтисодий самарадорлик натижаси ўлароқ, ижтимоий кафолатлар билан таъминлашдан иборат бўлиши керак. Шу муносабат билан оқилона, унумли ва самарали, мақбул иш билан бандлик тушунчаси одамлар меҳнатидан фойдаланиш, унинг маълумот ва жинсига мансуб ёшдаги тузилмани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат салоҳиятини тақрор ишлаб чиқариш ва уни мамлакат худудлари бўйича жойлаштириш тартибларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнлари билан уйғунлашиб кетади. Самарали иш билан банд қилиш миллий бойликни тўлаш имкониятларига ва унинг миқдорига ҳамда жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигига эга бўлган ҳолда моддий ва молиявий ресурсларнинг қолган турларини ҳаракатга келтиришни кўзда тутади. Мақбул иш билан банд қилиш иқтисодий ва ижтимоий натижаларни баҳолашга кўра тақрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг кўплаб вариантларидан энг қулайини танлаш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда иш билан бандлик тизимининг таркибий элементларини, улар ўртасидаги алоқаларни, уларни тартибга солиш вазифалари ва механиқмларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳолбуки иш билан бандликни тартибга

солишига доир олиб борилаётган амалий ишлар ҳозирча тартибга солинган аниқ методологик тасаввурга эга эмас. Тартибга солиш объектини белгилаш асосан республика иш билан бандлик хизмати ваколатларини чегаралаш билан боғлиқ бўлиб келгани туфайли тартибга солиш соҳаси асоссиз равишда чегаралаб қўйилди.

Аҳолини иш билан банд қилишни тартибга солиш масалаларини ҳал этишда меҳнат бозорининг ўзбекча модели ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бу ишловчиларни ўзаро қўллаб-куватлашнинг анъанавий усули, яъни, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва секторлари бозорига турлича тезликда ҳаракат қилиш, айрим регионларда, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда бозор муносабатларига ўтиш бир маромда эмаслиги каби сифатлар билан боғлиқ колективизмнинг энг юқори даражасидаги кўринишидир.

Шу боисдан иш билан бандлик сиёсати ўз моҳиятига қўра интеграцион тавсифга эга бўлиши лозим. Зеро, иш билан бандликни тартибга солиш субъектларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги қоида шундан далолат беради, бинобарин , иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишда бутун жамият ҳам, унинг ҳар бир аъзоси ҳам иштирок этади.

Иш билан бандлик сиёсатини юритишгагина эмас, балки инвестицион, инновацион, пул-кредит сиёсатинингамалга оширилишини таъминлашга масъул бўлган давлат, бозор ва жамоат бошқаруви субъектларининг бошқариш таъсири иш билан бандлик тизимида муносабатлар барча элементларини бевосита ва билвосита тартибга солишнинг жами усулларидан фойдаланишга қаратилган ҳолда мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, иш билан бандлик стратегияси (бандликни бошқаришнинг мақсадли функцияси) у ёки бу идоранинг ваколатидан ташқарида ётади. У иш билан бандликнинг миллий стратегияси ишлаб чиқилган ва демографик сиёsat юритилаётган бир шароитда таълим соҳасида мақбул инвестицион, бюджет ва муваффақиятли сиёsat олиб бориш

шароитидагина самарали бўлиши мумкин. Шу боисдан иш билан бандлик жараёнларини тартибга солиш учун барча давлат бошқаруви органлари фаолиятининг мувофиқлашувини таъминлаш зарур.

Меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи ташқи омиллар – сиёсий, иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллардан; ички омиллар – бандликни бошқариш бўйича давлат тузилмаларининг хусусиятлари, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг хусусиятлари ҳамда меҳнат ресурсларининг малакасини ошириш, қасбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Банд аҳоли сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар сифатида таъсир даражаси ва таъсир кучи эксперталар томонидан юкори деб қўрсатилганиқтисодий ва ижтимоий-демографик омиллар грухига тегишли ўртacha номинал иш ҳақи миқдори, аҳоли жон бошига тўғри келувчи асосий капиталга инвестициялар ҳажми, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши, миллий иқтисодиётда фаолият қўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар сони, истеъмол нархлари индекси (инфляция даражаси), миграция сальдоси ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандлик даражасидаги улуши танлаб олинди.

Кўрсатиб ўтилган таъсир этувчи экзоген омиллар ҳамда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонини акс эттирувчи эндоғен омил қўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011-2019 йиллар учун расмий маълумотлари таркибидан ажратиб олинди ва жадвалга туширилди (3.1.1-жадвал).

Таъсир этувчи экзоген омиллардан ўртacha номинал иш ҳақи миқдори (x_1), аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми (x_2), фаолият қўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар сони (x_4) ва истеъмол нархлари индекси (x_5) қўрсаткичлари 2011-2019 йиллар давомида барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб, бу қўрсаткичлар эндоғен омил билан тўғри боғлиқликда эканлигини айтиб ўтиш мумкин.

Омил кўрсаткичларининг Ўзбекистон Республикаси бўйича 2011-2019 йиллардаги миқдори²⁷.

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Иқтисодиётда бандлар сони (Y), минг киши	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	13376,0
Ўртacha номинал иш ҳақи миқдори (X1), минг сўм	628,1	739,7	865,9	1007,9	1171,7	1293,8	1457,8	1822,7	2243,9
Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми (X2), минг сўм	709,6	821,3	1008,2	1224,0	1431,7	1608,6	2227,8	3769,6	4097,3
Мехнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши (X3), минг киши	380,0	332,9	296,4	230,1	212,9	183,8	169,3	181,6	197,9
Фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот ва муассаса) лар сони (X4), минг бирлик	213,1	238,6	266,4	273,6	278,4	285,4	300,2	323,5	341,7
Истельмол нархлари индекси (X5), %	107,6	107,0	106,8	106,1	105,6	105,7	114,4	114,3	115,2
Миграция қолдиги (X6), киши	-47584	-40952	-34566	-38562	-29299	-26248	-18599	-14729	-13892
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (X7), %	75,1	75,6	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	77,3

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари (http://web.stat.uz/open_data/uz/).

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг микдорий ўсиши (x_3) ва миграция қолдиги (x_6) омиллари кўрсаткичлари кўриб ўтилаётган йиллар давомида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Омилли таҳлил учун экзоген омил сифатида танланган бошқа омиллар (x_7)нинг кўрсаткичлари эса маълум бир давр оралиғида пасайиб бориб, сўнгра ўсиш тенденциясига эга бўлган.

3.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда иқтисодиётда банд аҳоли сони ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари прогнозлари


Кўрсаткичлар	Модель	Йиллар		
		2020	2021	2022
Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши	$y = 0,467 \cdot x_1 - 0,172 \cdot x_2 - 4,629 \cdot x_3 - 2,235 \cdot x_4 + 14,925 \cdot x_5 + 0,015 \cdot x_6 + 57.63,61 \cdot x_7 + 8770,695$	14409,5	14665,7	14916,0
Ўртacha номинал иш ҳаки микдори, минг сўм	$x_1 = 186,36 + 316,12 \cdot t$	3347,6	3663,7,5	3979,8
Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми, минг сўм	$x_2 = 420,32 \cdot t - 224,06$	3979,1	4399,5	4819,8
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг ўсиши, минг киши	$x_3 = 366,33 - 24,71 \cdot t$	119,2	94,5	69,8
Фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот вамуассаса) лар сони, минг бирлик	$x_4 = 14,14 \cdot t + 209,39$	350,8	364,9	379,1
Истеъмол нархлари индекси, %	$x_5 = 1,12 \cdot t + 103,6$	114,8	115,9	117,0
Миграция қолдиги, киши	$x_6 = 4294,75 \cdot t - 50854,97$	-7907	-3613	682
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши, %	$x_7 = 0,235 \cdot t + 75,792$	78,1	78,4	78,6

Омил кўрсаткичларининг банд аҳоли сонига таъсирини ўзида акс эттирувчи эконометрик моделни тузиш учун чизиқли боғланишдан фойдаланилди. Аҳоли бандлиги даражасига таъсир даражаси ва кучи юқори деб олинган экзоген омилларни вақтли қатор кўринишидаги боғланиш шаклида регрессион таҳлил асосидаги алоҳида моделлар аниқланди (3.1.2-жадвал).

Аниқланган моделларнинг ишончлилиги кўриб чиқилганда, иқтисодиётда бандлар сонига таъсир этувчи омилларнинг кўпликдаги корреляция коэффициенти юқори боғланиш зичлигини кўрсатмоқда, яъни $r_{yx}=0,9998$. Кўпликдаги корреляция коэффициентига боғлиқ ҳолда қолдиқларнинг боғланиш даражаси ҳам юқори ($R^2=0,9997$). Фишер мезони бўйича аҳамиятлилик даражаси 0,03 га, Дарбин-Уотсон мезони (DW) 1.97 га, регрессия тенгламаси орқали 2020-2022 йиллар учун ҳисобланган прогноз кўрсаткичларининг аппроксимация хатолиги 0,43 %га тенг.

3.1.1-расм

Ўзбекистонда иқтисодиётда банд аҳоли сонининг ўзгариш кўрсаткичлари, минг киши



қолдиги (x_6) күрсаткичлари пасайиш тенденциясига эгалигини күриш мумкин (3.1.1-расм).

3.2. Қишлоқ жойларыда ахоли бандлигини ошириш йўллари

Бозор инфратузилмаси иш билан бандлик ҳажмининг ўсишида муҳим роль ўйнайди. Агар бирор ҳудудда бундай инфратузилма бўлса, унда бу ҳудудда тадбиркорлик ҳам ривожланмайди, иш билан бандлик ҳажми ҳам ошмайди. Бунинг натижасида ҳудудлараро иш билан бандлик таркиби ҳам такомиллашмаган ва бир томонлама шаклланган бўлади. Демак, ҳар бир ҳудудда бозор инфратузилмасини бир хил равишда ривожлантириш лозим. Тадбиркорлик учун шарт-шароитлар ҳам бир хил ҳудудда бир турда бўлиши керак. Чунки, агар тадбиркорлик шароитлари ҳар хил бўлса, унда иш билан бандлик даражаси ҳам ҳар хил бўлади, демак, иш билан бандлик таркиби ҳам такомиллашмаган бўлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида ижтимоий соҳани ривожлантиришга инвестициялар улушини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ижтимоий соҳа объектларини ахоли эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш йўли билан ижтимоий соҳани қўллаб-куватлаш тадбирларини амалга ошириш лозим, чунки ижтимоий соҳанинг ривожланиши хизмат соҳасидаги иш билан бандлик даражасининг ошишига олиб келади ва иш билан бандлик таркибини такомиллаштиради.

Тадбиркорлик муҳитини яратиш орқали иш билан бандлик таркибини такомиллаштиришда қишлоқ жойларда билим ва меҳнатни кўп талаб қиласиган хизмат соҳасини жадал ривожлантириш, интенсив дехқончиликка ўтиш, қишлоқ ижтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, экология талабларини таъминлаш, шунингдек аҳолининг зарур ҳаракатчанлигини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини яратиш муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ жойларида етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, техник мақсадлардаги маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қурилиш фаолиятини амалга ошираётган, таъмирлаш қурилиш, майший ва коммунал хизматлар кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш саноат тармоқларидағи иш билан бандлик даражасини оширади.

Қишлоқ жойларида иш билан бандлик даражасининг меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига камайишини таъминлаш лозим. Бу эса, жаҳон тажрибасига кўра, иш билан бандлик таркибининг объектив равишда такомиллашишига олиб келади. Қишлоқ жойларида рақобатга бардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқда қўшимча иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларига биринчи навбатда ёрдам бериши керак.

Иқтисодиётнинг устувор соҳаларида ва энг аввало қишлоқ жойларида етигтирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, озиқ-овқат, саноат товарлари, халқ истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, коммунал ва майший хизматлар кўрсатиш, турар жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш, инновацион фаолияти ва илм-фанны кўп талаб қиласидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий корхоналардаги имтиёзлар ва афзалликлар бериш керак. Қишлоқ жойлари маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш учун замонавий технологик асбоб-ускуналар тўпламларини етказиб беришни, кооперациялашган сервис хизмати тизимини, мини заводлар ва мини технологияларни тайёрловчи ишлаб чиқаришлар ташкил этиши лозим.

Технологик модернизация ва билимни ишлаб чиқаришда қўллаш ҳам иш билан бандлик таркибига ўз таъсирини ўтказади. Глобаллашув жараёнида фақатгина технологик жиҳатдан ривожланган ишлаб чиқариш турлари рақобатбардош бўла олади. Демак, иш билан бандлик таркиби глобаллашув шароитида технологик ривожланиш орқали сақланиши мумкин.

Илмий техника ва ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, стандартлар ва маҳсулотлар сифати соҳасидаги тартибга солишлар йўли билан кичик бизнес ва хусусий корхоналар ишлаб чиқарадиган товарларнинг рақобатга бардошлилигини ошириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқариш лозим. Булардан ташқари, кичик ва хусусий корхоналарни жадал техник қайта жиҳозлашни рағбатлантириш, қайта ишловчи ва маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар намунавий лойиҳаларини яратиш, уларни кенг жорий қилиш ва янги технологиялар шароитларида йўналиш бўйича ўқитишини ташкил этиш, кейинчалик кичик ва хусусий тадбиркорларга сотиш учун тамоан янги маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси лицензияларини сотиб олишни амалга ошириши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланилмаётган биноларни белгиланган тартибда ижарага бериш, тугалланмаган қурилишнинг ишлаб чиқариш объектлари ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарни ким ошди савдолари ва танловлар орқали сотиш лозим. Қишлоқдаги давлат мулки обьектларини маҳаллий аҳолига тегишли бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига устувор бериш мақсадида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида давлат мулкини сотиш бўйича ёпиқ танловларни ўтказиш керак. Тўхтатиб қўйилган ва фойдаланилмаётган асосий фондларни ва ишлаб чиқаришқувватларини, шунингдек, ижтимоий инфратузилма обьектларини кичик ва хусусий тадбиркорларга сотишни ташкил этиш лозим.

Маълумки, хусусийлаштиришдан сўнг кичик корхоналар қайта тузиш ва қайта таъмирлаш жараёнига дуч келишади. Кўпчилик ҳолларда, буни улар енгиб ўтмаслиги мумкин ва натижада кўплаб ишчилар бундай ҳолатда корхоналардан бўшаб кетишади. Бу эса, иш билан бандлик таркибига салбий таъсир этади. Бизнингча, бунинг олдини олиш учун хусусийлаштиришдан олдин корхоналарни қайта тузиш ва таъмирлаш бўйича маҳсус дастурлар қабул қилиниши лозим.

Ахборотнинг танқислиги табиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди, чунки тадбиркорлар ахборот етишмаслиги натижасида инқирозга учрашади ёки зарар кўришади. Бу эса, иш билан бандлик таркибидаги тебранувчи ўзгаришларга олиб келади. Бизнинг фикримизча, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатишни имтиёзли шартларида амалга ошириш керак. Кредит муассасалари, қимматли қоғозлар аҳволи ва акциялар котировкаси, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва эҳтимол тутилган шериклар тўғрисидаги ахборот эълон қилиниши лозим. Маркетинг, бошқарув маслаҳати, аудит, реклама, ташки иқтисодий операциялар соҳасида ихтисолаштирилган кичик ва хусусий корхоналар тизими янада ривожланиши керак. Ижтимоий ҳимоя ҳам иш билан бандликни кафолатлайдиган ва аҳоли даромадларини ошишига қаратилган чора-тадбирларга киради.

Мазкур тизимдан ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий қўллаб-кувватлаш масалаларини аниқ фарқлашни назарда тутувчи принципионал янги тизимга ўтиш мақсадида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиши лозим. Бунда даражалар (корхона, худуд, республика) бўйича табақалаштирилган ижтимоий кафолатлар барча фуқароларга, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларга зарур минимумда берилиши белгиланиши керак. Даражалар бўйича табақалаштирилган ижтимоий қўллаб-кувватлаш, биринчидан, муайян муддатга берилиши, иккинчидан, тегишли бюджетнинг

аҳволи билан тўлиқ боғлик бўлиши, учинчидан, иқтисодий ислоҳотнинг ўёки бу босқичда шаклланган шарт-шароитларига боғлик бўлиши лозим.

Ёшлар меҳнат бозорини шакллантиришда айниқса, таклиф ҳажмини оширишга қаратилган ҳамда ёшларнинг эгаллаган мутахассилигига мос келадиган иш ўринларини яратиш учун қишлоқ туманларида саноат корхоналарини жойлаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механиқмини ишлаб чиқиш зарурдир.

Иш билан бандлик таркибида кичик бизнеснинг улушкини ошириш учун керакли маблағларни жалб этиш йўлларидан бири давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришdir. Улуш қўшиб қатнашиш шартларида ва кредит бериш шартида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлар устун даражада инфратузилмаси, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, иш билан бандлик таркибида кичик бизнеснинг ролини ошириш учун имтиёзли кредит сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда кредит берувчи кредит ташкилотлари имтиёзлардан қонунчиликда белгилangan тартибда фойдаланиши даркор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларга тўланадиган кредитлар тўланмаслигини таваккалчилигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилиши керак. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитларини ва кредитлардан фойдаланганлик учун фоизларни суғурта шартномасида белгилangan муддат давомида ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш ҳақидаги жавобгарлиги суғурта обьекти ҳисобланади.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иш билан банддликдаги ролини ошириш кележакда иш билан бандлик ва унинг таркибини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳатларнинг чуқурлаштирилиши шароитида Самарқанд вилоятида Қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш йўллари масалаларини ўрганиш қўйидаги хулосаларни қилиш имкониятини берди:

1. Аҳолининг фаровонлик даражасини аниқлаштириш учун демографик жиҳатдан гуруҳларга ажратиш нуктаи назаридан аниқ статистикани шакллантириш ва шунга мос тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Қисқа муддатли даврда эътибор берилиши лозим бўлган чоратадбирлар:

- аҳолининг истеъмолини арzonлаштириш, яъни давлат ва “айrim” тадбиркорларнинг монополиясини фавқулодда тугатиш;
- электр таъминотининг узлуксизлигини амалга ошириш, муқобил энергиядан фойдаланишни жадаллаштириш;
- ҳаражатларни қисқартириш, яъни кўп даромадга эга бўлмаган шароитда жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш;
- венчур фондлари ишлаши учун шароит яратиш;
- норасмий иқтисодиётни қисқартириш.

3. Узок муддатли даврга мўлжалланган дастурларни амалга ошириш доирасида:

- профилактика тиббий хизматларни молиялаштириш ҳажмини ва самарадорлигини ошириш;
- мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишлигини инобатга оладиган ҳолда гуруҳларга ажратган ҳолда таълим бериш;
- олий таълимни қамровини ошириш;
- “кичик бизнесдан-йирик бизнесга” тоясини иқтисодиётда жорий этиш;
- юқори илмий сифимкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— меҳнат мигрантларини эмас, балки меҳнат маҳсулини экспорт қилиш тамойилини амалга ошириш.

4. Республикаизда аҳоли бандлигини таъминлаш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса касаначилик меҳнатини ривожлантириш ҳамда ролини ошириш.

Самарқанд вилоятида аҳолининг моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд қисмининг йилдан-йилга ошиб бориши қузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби янги ишлаб чиқариш корхоналарининг, жумладан чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарнинг ташкил этилиши, корхоналарнинг мулк шаклини ўзгартирганлигидан иборатdir.

5. Самарқанд вилояти аҳолисининг бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу турдаги тадбиркорликда мулк эгалари ўз шахсий меҳнати билан қатнашади ҳамда вақтинчалик ишларни бажариш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқаролар жалб этади.

Аниқланган эконометрик моделлар асосидаги қуйидагича хulosса қилиб, қисқа муддат учун ҳисобланган прогноз кўрсаткичлар яқин келажақда иқтисодиётда банд аҳоли сони унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлишини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган аҳоли бандлигига таъсир этувчи омиллар таҳлилидан келиб чиқиб, мамлакатимиз меҳнат бозоридаги меҳнат ресурслари бандлиги даражасини ошириш учун қуйидаги йўналишдаги фаолият талаб этилади деб ҳисоблаймиз:

1. Иқтисодиётга тармоқ ва соҳалар, шу билан бирга худудий ёндашув асосида жалб этилаётган асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ҳисобига янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мавжуд субъектлар фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари сонини кўпайтириш.

2. Аҳолининг табиий ўсиши ҳисобига ҳар йили меҳнатга лаёқатли

ёшдаги ахоли сонига қўшилиб бораётган миқдорни худудий ва мамлакат даражасида амалга оширилаётган демографик сиёсат йўналишларини ўзгартириш орқали энг мақбул миқдорга келтирилишини режалаштириш.

3. Иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхона (ташкилот, муассаса)лар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини жорий иқтисодий ҳолатдан келиб чиқкан ҳолда оптималлаштириш ҳисобига бандлар сони мақбул ҳолга келтирилган корхоналар сонини ошириб бориш.

4. Давлатнинг инфляцияга қарши чоралари самарадорлигини ошириш (таргетлаш ва бошқалар) орқали ахоли самарали бандлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи истеъмол нархлари индекси (инфляция даражаси)ни барқарор ҳолатга келтириш ва унинг кескин ўсиб боришининг олдини олиш.

5. Миграция жараёнларини ҳукуқий жиҳатдан тартибга солиш, хорижий мамлакатлар билан меҳнат ресурслари миграцияси йўналишидаги келишув (квота)ларни миграция сальдосининг оптимал чегараларидан келиб чиқкан ҳолда белгилаш орқали миграция қолдиғи даражасини энг мақбул ҳолга келтириш.

6. Ахоли номинал иш ҳақи миқдорини инфляция даражаси ва истеъмол савати ҳажмига мутаносиб ҳолда ошириб бориш.

7. Кичик бизнес, хусусий ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги шароитларни янада яхшилаш орқали янги иш ўринларининг барқарор шакллантириб борилиши билан унинг бандликдаги улушкини доимий ошириб бориш.

8. Кўрсатиб ўтилган йўналишлардаги фаолият натижасида мамлакатимизда самарали бандлик ҳолати таъминланади ҳамда моделлаштириш воситасида яқин ва ўрта келажакда ахолининг бандлик даражасини ошириш орқали турмуш фаровонлиги даражаси барқарор ортиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, 1998 йил 1 май 616-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, 1995 йил 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2498-сон қарори.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш тўғрисидаги “Харакатлар стратегияси” номли 4947-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта ги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5969-сонли Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5978-сонли фармони
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори.
11. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2019.
12. Ўзбекистонда таълим. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2019.
13. World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank.p. 89.
14. X.Shadiyev va boshqalar. Statistika. Darslik. ОО‘MTV; -Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2013. – 384 b.
15. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЙА”, 2014.

16. Абдурахманов К.Д. и др. Социально-трудовые отношения и социальная защита населения в условиях рыночных реформ. –Т.:”ТДИУ”, 2005.
9. Абдураҳмонов Қ. Ҳ. Мехнат истисодиёти. – Т.: Мехнат 2009.
17. Абулқосимов Х.П. Шакланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. –Т.:”ТМИ”, 2005.
18. Буланова В.С. и др. Рынок труда. –М.:”Экзамен”, 2004.
19. Варфоломеева О.А. Становление инфраструктуры рынка труда в переходной экономике. – СПб.: 2001.
20. Владимирова Л.П. Экономика труда. –М.:”Дашков и К”, 2000.
21. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения. –М.: “Перспектива”, 2005.
22. Рофе А.И. Рынок труда, занятость населения и экономика ресурсов. –М.:”МИК”, 1997.
23. Рошин Г.Г., Разумова Т.О. Экономика труда: экономическая теория труда. –М.:”Инфра-М”, 2000.
24. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда. –М.:Экзамен”, 2004
25. Файзиев Э.С. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иктисодий мазмуни ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.(монография) –Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЙА, 2008,
26. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. Малакали аграр меҳнат бозорининг шаклланиши. –Т.:”Фан”, 2003.
27. Холмўминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти. –Т.:”ТДИУ”, 2004.

Интернет сайтлари:

- 1- www.vip.lenta.ru – Интернет нашриёти;
- 2- www.omad.uz – Бизнес ривожи учун ахборот портали;
- 3- www.ziyonet.uz - билимлар сайти;
- 4- www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали.
- 5- www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти
- 6- <https://mehnat.uz/uz/news/2019-yilda-uzbekistonning-ishsizlik-darazhasi-qancha>
- 7- http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%20OD_income_by_deciles_uzb.pdf